Муножотнома

АБДУЛЛА АЪЗАМОВ

МУНОЖОТНОМА

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «МУНОЖОТ» АСАРИГА ШАРҲЛАР

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2001

Китобда буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг «Муножот» асари кенг ўқувчилар оммаси учун тарғиб қилишга уринилган. Шу мақсадда «Муножот»нинг ўзига хос вазни ва қофиясига эътибор қаратилади, сўзларга атрофлича, анчайин эркин талқин қилинган луғат ҳамда шарҳлар, изоҳлар ва айрим қўшимча маълумотлар келтирилади. Навоий асарини мустақил ўқиш қулай бўлиши учун луғат ва шарҳлар «Муножот»га тегишли бандлари билан ёнма-ён жойлаштирилди.

Тақризчилар: филология фанлари доктори, проф. **И. Абдуллаев,**
филология фанлари доктори, проф. **А. Ҳайитметов,**
мавлоно **Аълоуддин Мансур.**

А $\frac{4702620204-34}{М25/04/-01}$ 26 – 01

БИСМИЛЛОҲИР-РАҲМОНИР-РАҲИМ
ЗИҲИ ИСМИНГ АЗИМ
РАҲМОНЛИҚУ-РАҲИМЛИҒИНГ ВОЖИБУТ-ТАЪЗИМ

ИСМ СЕНИНГ ИСМИНГ
РАҲМОНЛИҚ ВА РАҲИМЛИҚ СЕНИНГ ҚИСМИНГ
СЕН ҒАНЖ ВА ОФАРИНИШ ТИЛИСМИНГ

Бу илоҳий мафтункор сатрлар билан Навоийнинг *«Муножот»* и бошланган. Улуғ Шоир ўз умрининг сўнгги йилларида битилган асар. Ҳажман мўъжаз — 100 банд атрофида. Лекин ўзбек адабиёти учун буюк аҳамиятга молик битик. Жаҳон адабиётида ҳам ўзига хос ўрин тутишга қодир ёдгорлик.

Биринчидан, *«Муножот»* — улуғ Шоирнинг ўз умри якуни арафасида Оллоҳга илтижоси, мурожаатидан иборатки, унда энг самимий туйғулари, қалбидаги энг чуқур ҳислари, дунёқараши ва эътиқодининг энг туб принциплари мужассам. Лўнда қилиб, *«Муножот»*ни Навоий шахсиятининг энг тиниқ кўзгуси деб аташ мумкин.

Иккинчидан, асар ўзига хос бетакрор жанрда битилган. Биз ҳатто уни илоҳий илҳом маҳсули дейишга журъат этамиз. Буни имконимиз даражасида исботлашга уринамиз ҳам.

Навоий *«Муножот»*и ҳар бир ўзбек қалбига етиб боришини орзу қиламиз. Айниқса, у талабаларга ўқиш ва ўрганиш учун тавсия этилиши зарур. «Навоийни ўқинг» дея истак билдириш эриш туюлиши мумкин. Зеро, Навоий — инсоният тарихидаги буюк шахслар силсиласига мансуб зот, жаҳон шеъриятининг даҳоларидан бири. Унинг ижоди ва ҳаёти Европа олимларини ҳам лол қолдирмоқда. Шундай экан, ҳар бир ўзбек фарзанди Навоийни ўқиши, ўқиганда ҳам севиб, асарларидаги нафосатни туйиб, мазмунидаги теранликка интилиб ўқиши кераклиги равшан.

Қолаверса, Навоийни ўқиш ҳам миллий қадриятдир, ўзбеклик тимсолидир. Балки, ташқи атрибутларга нисбатан муҳимроқ. Лекин, таассуфки, ҳозирги авлод билан мумтоз адабиётимиз орасида узоқлашув, бегоналашув аломатлари сезилади.

Албатта, бугунги тилимиз Темурийлар давридаги адабий тилдан қанчадир фарқ қилади, ўрта ва олий мактаб программаси X—XVI асрларда мадрасаларда берилган маълумотга яқин эмас. Бу ҳол, табиий, мумтоз адабиёт мутолаасини қийинлаштиради, ўқувчидан маълум заҳмат талаб этади, ўқишни ҳатто тадқиқот даражасига кўтаради. Оқибатда, мутлақ кўпчилик ёшлар Навоий асарларидан олинадиган эстетик ва маънавий тарбиядан, руҳий озиқдан бебаҳра қолмоқда. Мумтоз асарлар эса асосан тор доирадаги мутахассислар ва адабиёт ихлосмандларининг мулкига айланиб бормоқда.

Адабиётшунослар, ёзувчилар бу муаммони ҳал қилиш учун кўплаб асарлар битганлар. Уларнинг рисолалари, мақола ва суҳбатлари бизни Навоий даври муҳитига яқинлаштиради. Шоирнинг ижод гулшанида сайр қилишга, қалб дафтарини варақлашга имкон яратади. Е. Э. Бертельс, С. Айний, Ойбек домлалардан бошлаб ҳозирги ёш навоийшуносларгача бўлган олим ва мутахассисларнинг шарҳларини ўқиб, буюк адабиётдан баҳраманд бўла олганимизни чуқур мамнуният билан қайд этамиз.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, шарҳлар асарнинг ўзини ўқиш ўрнини босмайди. Чунки шарҳ асарга тўла адекват (мутаносиб) бўлмайди. Шунингдек, шарҳловчи асарнинг луғавий маъносини, бадиий ва илмий хусусиятларини тавсифлаб беради-ю, аммо ундан олинадиган эстетик завқни бевосита туйиш бахтидан маҳрум қилади. Бу эса асарнинг бадиий таъсир кучини сусайтириши истисно эмас.

Хуллас, шарҳлар мумтоз асарларни ўқишга даъват этувчи, *«Мана кўринг, қандай буюк адабиётимиз бор!»* дея ундовчи воситадир.

Амалда Навоий асарларини оммалаштиришнинг яна бир усули — ҳозирги тилда насрий (камдан-кам назмий) баёнини бериш ҳам анча кенг қўлланади. Фикри ожизимизча, бу усулнинг фойдаси билан бир қаторда салбий жиҳати ҳам йўқ эмас. Чунки у мумтоз асарлар, айниқса шеърлар ҳақида ўқувчида юзаки, оригиналга нисбатан номуносиб тасаввур уйғотиш хавфи бор.

Мазкур «таъна» адабиётимиз намуналарини чет тилларга ўгиришга ҳам тааллуқли — агар таржимада асарнинг фақат сюжети, мазмуни ва бадиий хусусиятларининг устки қатламигина ўгирилиб, чуқурроқ маъно, кайфият, руҳият мавжлари, нозик сўз санъати акс этмаса, уни таржима деб атамаган маъқул. Акс ҳолда, масалан, Навоий ғазалининг номуносиб таржимаси хорижлик китобхонда улуғ шоир ижоди ҳақида мутлақо нотўғри тушунча уйғотиши мумкин.

Айтилганларни назарда тутиб, Навоий ижодига бугунги авлодни яқинлаштириш йўлларини излаш хайрли деб ўйладик. Бу китобчада ана шундай изланиш маҳсули бўлган бир баён услубини таклиф этмоқдамиз. У классик шоирларимиз шеърларини чет тилларга таржима қилишда ҳам фойдали бўлиши мумкин.


Усулнинг моҳияти — луғат ва изоҳларни матн билан параллел бериб бориш, мақсади — ўқувчи асар мазмунига мустақил ета олиши, ундаги нафосатни бевосита ҳис қила билиши учун енгиллик яратиш.

Навоий каломининг ажиб бир сеҳри борки, дастлаб маълум заҳмат билан бўлса-да ўқий бошласангиз бас — китобхонни ўзига ром қила боради ва назм дарёсига тортиб кетади.

Ўзбек тили тарихини Навоий ижодисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, тилимизнинг келажаги ҳам бизнинг буюк шоир ва мутафаккир асарларига муносабатимизга кўп жиҳатдан боғлиқ: ўзбек тили бошқа тиллар орасида қандай мавқега эга бўлишида Навоий сиймоси энг салмоқли ўрин тутиши аниқ. Шубҳасиз, ўзбек тилини ўрганаётган хорижлик Навоийни ўқишга уннайди. Ва аксинча, Навоий ижодини ўрганмоқчи бўлган чет эллик мутахассислар ўзбек тилини ўрганишга киришадилар.

Демак, бугунги ва келгуси авлод Навоийга, бошқа классикларимизга интилмоғи керак. Агар бу китобча ана шу хайрли ишга оз бўлса-да хизмат қила олса, ниятимизга етдик деб ҳисоблаймиз. Муҳтарам ўқувчидан китобчага бир тажриба сифатида қараш ва ундаги нуқсонлар учун маъзур тутишларини сўраймиз.

Алишер Навоий *«Муножот»*ини ўзбек китобхонларига етказган атоқли олима С. Ғаниевага, шарҳларга бўлган илиқ муносабати учун шоир Эркин Воҳидовга ташаккур изҳор қиламиз. Самимий маслаҳатларини аямаган проф. И. Абдуллаев, проф. А. Абдуғафуров, проф. А. Ҳайитметов, доц. Э. Талабов, мавлоно Аълоуддин Мансур ва шоира М. Муродовага чуқур миннатдорлигимизни билдирамиз.



«МУНОЖОТ» ҲАҚИДА

«Муножот» Навоий умрининг охирги йилларида битилгани тайин. У Шоирнинг «ўзига ўз мактуби» тарзида ёзилган, таъбир жоиз бўлса, интим асар дейиш мумкин. Лекин *«Муножот»*даги кишини ларзага солувчи мазмун Шоир замондошларининг диққатини тортган ва ундан (балки Шоир вафотидан сўнг) нусхалар кўчирилган. Бироқ асар ҳажми кичик бўлгани учундир, бу нусхалардан нечтаси бизгача етиб келгани маълум эмас. Ҳарқалай, у собиқ иттифоқ кутубхоналаридан топилмаган.

Асар *«Абушқа»* луғатида (16 а.) тилга олинади ва шу туфайли Навоий қаламига мансуб *«Муножот»* мавжудлиги мутахассисларга маълум эди. Шунингдек, 1958 йилда Истанбул музейларида сақланаётган Навоий асарларининг қўлёзмалари ҳақида проф. О. Лаванд мақоласи эълон қилинган. Мақолада Шоир асарларининг иккита куллиёти мавжудлиги ҳақида хабар берилиб, ҳар иккисида ҳам Навоий қаламига мансуб *«Муножот»* кўрсатиб ўтилган. Лекин хабарда *«Муножот»* мустақил асар эмас, куллиётларга муқаддима (2 бет ҳажмли) деб кўрсатилган. Бу ҳақда Навоийнинг 15 жилдлик асарлар тўпламида қисқа маълумот келтирилади, лекин *«Муножот»* матнини тўпламга киритиш имкони бўлмаган.

*«Муножот»*нинг қўлёзма нусхасини мумтоз адабиётимиз жонкуярларидан Суйима Ғаниева 1991 йилда топиб келиб нашр эттирдилар. Уни мазмунига кўра куллиёт муқаддимаси эмас, балки мустақил асар, деган хулосага келиш мумкин. *«Муножот»*нинг нашр этилиши, шубҳасиз, Республикамиз маданий ҳаётида йирик воқеа бўлди. Нашр адабий жамоатчилик томонидан қониқиш билан кутиб олинди. (Ҳатто дастлабки назиралар ёзиб улгурилди.) Аммо бу мўътабар асар ҳали ўз қийматига яраша қадрини топди дея олмаймиз.



НИЗОМИДДИН АЛИШЕР НАВОИЙ РАҲМАТУЛЛОҲУ АЛАЙҲ МУНОЖОТИ

1. БИСМИЛЛОҲИР -РАҲМОНИР-РАҲИМ

2а. ЗИҲИ ИСМИНГ — АЗИМ

2б. РАҲМОНЛИҚУ —РАҲИМЛИҒИНГ ВОЖИБУТ-ТАЪЗИМ

3а. ИСМ — СЕНИНГ ИСМИНГ

3б. ВА РАҲМОНЛИҚ ВА РАҲИМЛИҚ СЕНИНГ ҚИСМИНГ

3в. СЕН — ГАНЖ ВА ОФАРИНИШ — ТИЛИСМИНГ

4а. ИСМИНГ ЖАМЪИ СИФАТИ АСМОИ ҲУСНО

4б. РАҲМОНЛИҚ ВА РАҲИМЛИҒИНГҒА ЮЗ МИНГ ҲАМДУ САНО

Талқиний луғат

2. **зиҳ** — таҳсинга сазовор, қандай яхши
азим — улуғ, юксак
вожиб — керак, зарур; бурч

3. **ганж** — хазина, туганмас бойлик
офариниш — яратиш, креация; бор бўлиш, экзистенция
тилисм—тилсим — сир, яширин хусусият; ўзўзидалик

4. **жамъи сифат** — сифатлар мажмуаси
«асмои ҳусно» — гўзал исмлар (Қуръонда зикр этилган Оллоҳ исмлари, сифатлари)
ҳамд — мақтов, шарафлаш
сано — салом, тасанно

«МУНОЖОТ»НИНГ ЖАНРИ ҲАҚИДА

Сиртдан боққанда асар сажъ (қофияланган наср) жанрида ёзилган. Лекин расмий тасниф қобиғидан чиқилса, *«Муножот»* матнида равшан қофия билан бирга вазн ҳам мавжуд дея оламиз. Ҳарқалай, унинг вазни сарбаст (оқ шеърлар)га нисбатан қатъийроқ. Айни пайтда, *«Муножот»* вазни аруз, бармоқ ёки сарбаст қолипида дейиш ҳам дуруст эмас. Асар жанр нуқтаи назаридан бадиий адабиётга нисбатан Қуръони Карим сураларига яқинроқ турса керак. *«Ёсин»* ва *«Шоирлар»* суралари таъкидлайдики, «Қуръон» оятлари шеър эмас. Айни замонда

«Бўлмаса эъжоз мақомида назм,
Бўлмас эди Тенгри каломида назм»

деб, Навоий «Қуръон» матнидаги ўзига хос вазну қофияга ишора қилган.

Улуғ шоирни Қуръон сураларидаги илоҳий сеҳр ҳайратга солган, қалбини тўлқинлантирган бўлиши табиий. Умрининг охирида унинг дилига муножот туйғуси келганда, илоҳий илҳом ташриф буюргандир, валлоҳи аълам. (Қайд этиш лозимки, *«Муножот»*ни «Қуръон» билан қиёслаш фикридан йироқмиз. *«Ал-Исро»* сурасининг 88-оятига кўра «Қуръон», хусусан, унинг жанри ҳам бетакрордир).

Хуллас, бу мушоҳадалардан қатъи назар, *«Муножот»*ни шунчаки қофияли наср деб эмас, балки вазнига ҳам диққат қилиб ўқишни сўраймиз. Шунда асардан олинадиган эстетик завқ ва руҳий озиқ кучаяди. Шу мақсадда матнни мисралар ва рукнларга бўлишга интилдик. Бу борада йўл қўйилган ноқисликлар учун узр сўраб, уларни китобхон тузатиб ўқийди, деб умид қиламиз.

ШАРҲЛАР

БАСМАЛА. 1) Қуръоннинг биринчи ояти; 2) шу оятни айтиш, хайрли ишларни шу оят билан бошлаш; 3) классик адабиёт анъаналаридан бири — **«Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим»** оятини таърифлаш. Басмаланинг ажиб намунаси — *«Ҳайратул-аброр»* достонининг биринчи боби. Унда бу оят икки бора (диалектик йўсинда) ҳарфма-ҳарф талқин қилинган.

Ҳажми мўъжаз бўлишига қарамай *«Муножот»*да басмаланинг фалсафий теран ва бадиий юксак намунаси берилган (1-10 бандлар).

2а. «Оллоҳ» исмининг ўзидаёқ улуғлик мужассам. (Бу исм *«илоҳ»* сўзига аниқлик, ягоналикни ифодаловчи *«ал-»* қўшимчаси билан ясалгани кўзда тутилса керак.)

2б. Оллоҳнинг меҳрибонлиги учун таъзим (сажда) лозим. Зеро, У инсонга онг ва руҳ берган.

3а. 1) Исм, яъни «Оллоҳ» ёлғиз Оллоҳ исмидир.

2) Оллоҳ исми ҳақиқий исмдир, яъни шартли исм бўлмай, балки Оллоҳнинг хос атрибутидир. Қиёслаш учун: одамлар исми шартлидир. Масалан, *«Тилла»* исмли одам тилладан эмас, ҳатто характери, баҳоси ҳам тилладан фарқ қилиши мумкин.

3б. 1) Раҳмонлик ва Раҳимлик — Оллоҳнинг қисмати, яъни ажралмас сифатларидир. 2) Раҳмонлик ва Раҳимлик — Оллоҳ сифатларининг бир қисмидир.

Зероки, 3в.1) Оллоҳ — ганж, яъни сифатлари битмас-туганмасдир. 2) Оллоҳ — уни таниган киши учун хазина.

3г. 1) Оллоҳнинг мавжудлиги — тилсим, инсон ақли чегарасидан ташқаридаги сир (*офариниш* Оллоҳга нисбатан тушунилса). 2) Дунёнинг, жумладан, одамзоднинг яратилиши — Оллоҳнинг тилсими, яъни ҳам мўъжиза, ҳам сир.

4а. 1) Оллоҳнинг барча исми (яъни сифати) гўзал. Хусусан, *Раҳмон* — меҳрибон, *Карим* — карамли каби исмлари билан бирга *Қаҳҳор* — қаҳрли, *Жаббор* — мажбурлай олувчи каби исмлари (сифатлари) ҳам гўзал! 2) «Асмои ҳусно» Оллоҳнинг «Қуръон»да зикр қилинган исмлари мажмуаси гўзалдир.

4б. 1) Юз минг, яъни сон-саноқсиз ҳамду сано. 2) Юз минг ҳамду сано — бундай талқинда юз минг сони шунчаки вазн тақозоси бўлиб қолмай, махсус маънога эга бўлиши мустасно эмас. Айтайлик, муслим ўртача умри давомида ўқийдиган намозлари сони тахминан юз мингга тенг.

МАЪНОДОШ (СИНОНИМ) СЎЗЛАР ҲАҚИДА. Раҳим ва раҳмон, азим ва субҳон, муаххар ва ҳотам, зуҳд, вараъ ва тақво, уй ва кишвар, бало ва офат,... мазмунан яқин, аммо айрим қирралари билан фарқ қилувчи тушунчалар. Навоий улардан унумли фойдаланган, бир-бирига яқин туркий, арабий ва форсий сўз ва иборалар билан нозик фикр ва туйғуларни ифодалай олган. Унинг нутқида арабча ва форсча сўзлар кўп ишлатилишига қарамай, у ўзбекчалигича қолади, чунки грамматика ва семантика шу тилдадир. Образли қилиб, Шоир тилини маҳаллий ва ажнабий анвойи гуллар аралаш, лекин дид билан ўстирилган бўстонга ўхшатиш мумкин.

5а. РАҲИМ ҲАМ СЕН,
РАҲМОН ҲАМ СЕН

5б. АЗИМ ҲАМ СЕН
СУБҲОН ҲАМ СЕН

6а. СУБҲОНОЛЛОҲ!
НЕ КИБРИЁ(В)У АЗАМАТДУР

6б. КИМ, СЕНДАН ЎЗГАГА
ВУЖУД ИТЛОҚИ
БЎҲТОН ВА ТУҲМАТДУР

7а. ЗОТИНГ — ҚАЮМИ БАРҲАҚ
7б. ВУЖУДИНГ — БОҚИЙИ МУТЛАҚ

8а. СЕНДИН ЎЗГА
МАВЖУД КЎРИНГАНЛАР
НАМУДИ БЕНАМУД

8б. БАЛКИ НОБУД НОМАВЖУД

8в. ВУЖУД ВА МАВЖУДДИН
СЕН МАҚСУД

9. ТАОЛО ШАЪНУКА
ВА АММА ЭҲСОНУКА
ВА ЛО ИЛОҲА ҒАЙРУКА

10. Ё ВАДУД
ВА МАЪБУДИ ВОЖИБУЛ-ВУЖУД

5. **субҳон** — камчилиги йўқ, идеал; тундан тонгга олиб чиқувчи

6. **кибриё** — кибор, мағрурлик; фахр
азамат — азимлик, улуғлик
итлоқ — нисбат бериш, ... деб ҳисоблаш

7. **зот** — келиб чиқиш, генезис; моҳият, мазмун; шахс, субъект
қаюм — абадий, ўзгармас, констант
барҳақ — доим чин, мутлақ рост, ҳаммага бирдай ҳақ
вужуд — вужуд, жисм; шакл, форма
боқий — мангу, абадий, йўқ бўлмас
мутлақ — туб, абсолют

8. **намуд** — кўриниш, фигура; бирор нарсага ўхшаш
нобуд — бўлмаган, аслида йўқ
мақсуд — мақсад манбаси, мақсад қаратилган объект

ТАЛҚИН ҲАҚИДА

Маълумки, эски ўзбек ёзувида бош ҳарфлар билан кичик ҳарфлар фарқланмаган, тиниш белгилари қўлланмаган. Мумтоз адабиёт намуналари ҳозирги ёзувда нашр қилинганда матн жорий имло қоидаларига мувофиқ баён қилиниши табиий. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, бунда махсус изоҳлар зарурати пайдо бўлади. Чунки асил матнга киритиладиган энг кичик ўзгартириш ҳам мазмунга таъсир қилиши мумкин.

Масалан, НАВОИЙ (ёки НАВОЙИ) сўзи ҳам Шоир тахаллуси, ҳам сифат («навога оид» деган маънода) келадиган ҳоллар талай. Айниқса туркийчада битилган асарларида Шоир «ФОНИЙ» тахаллусини ҳар икки мазмунда қўллайди. Шуни назарда тутиб, *«Муножот»* матни фақат бош ҳарфлар билан берилди, тиниш белгилари эса имкони борича тушириб кетилди.

Илова қилинаётган луғатда сўзларнинг бош маъносидан ташқари турли вариантлари имкони борича кенгроқ жалб қилинди. Зеро асил матнда у ёки бу сўз нима мақсадда қўлланганини бугун қатъий чеклаш анча масъул иш бўлар эди. Албатта, сўзнинг луғатда келтирилаётган ҳар бир маъноси, талқини унинг матндаги функциясига мувофиқ дейиш тўғри бўлмайди. Ўқувчи сўз маъноларини ўзи истаган тарзда танлаши мумкин. Луғатнинг мақсади эса бу ишни енгиллаштириш.

6. Буюклик ва улуғлик каби тушунчаларни мутлақ маънода Оллоҳдан бошқаларга нисбат бериш — бўҳтон демак. Узоқ тарих ҳам, яқин ўтмиш ҳам исботлайдики, инсоннинг улуғлиги нисбий, унинг табиатида улуғликка хос қирралар билан бир пайтда у ёки бу даражада акс хусусиятлар ҳам мужассам бўлади. Яъни, инсон улуғлиги — нисбий, Оллоҳ улуғлиги эса — мутлақ.

7. Оллоҳнинг зоти, моҳияти — абадий ва ҳақиқий, вужуди — доимий ва ўзгармас.

8. ВУЖУДНИНГ ФОНИЙЛИГИ ВА РУҲНИНГ БОҚИЙЛИГИ ҲАҚИДА. Бизга мавжуд кўринувчи нарсалар шунчаки бор туюлади, холос. Аслида улар ўткинчи шаклдир, бир кўриниш бериб сўнг эриб йўқолувчи булут, саробга ўхшаш. Нафақат инсон умри тугаб, жасади тупроққа қоришади, қабр тошлари, ҳатто Миср эҳромлари ҳам бир кун изсиз йўқолади, Ер курраси чангга айланади, Қуёш сўнади. Ёлғиз Оллоҳ қаюми барҳақ ва боқий мутлақдир!

У ҳолда инсоннинг туғилиши, яшаши ва ўлимида нима маъно? Шарқ мутафаккирларини минг йиллаб ларзага солиб келган бу савол сўнгги йилларда ғарб олимлари томонидан *фалсафанинг асосий масаласи* деб тан олинмоқда. Бу масалага Навоий ҳеч иккиланмай жавоб бермоқдаки:

Мавжудликдан мақсад — Оллоҳ(га етишиш), У ато этган руҳни тарбиялаб, юксалтириб, охири яна унинг ҳукмига ҳавола этиш. Ҳаёт — бу мақсад учун имконият, дунё ва жамият — муҳит, вужуд ва онг эса воситадир.

9. *«Шаънинг олий, эҳсонинг умумий. Ўзингдан ўзга Маъбуд йўқдир».* (9.10 бандлар каби оят, ҳадис ва арабча иборалар С. Ғаниева нашридаги таржимаси (тафсири)да берилади.)

10. *«Эй дўст ва қатъий мавжуд зот!»*

НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТИЛИ ҲАҚИДА. Навоий арабча, форсча аффикслар, сўзлар, иборалар ва бус-бутун жумлалардан эркин фойдаланган. Бу ўша давр муҳити учун табиий ҳол бўлган. Зеро, арабча Қуръон, ҳадислар ва фан тили сифатида, форсча эса адабиёт ва сарой тили сифатида ҳар бир маълумотли киши учун таниш бўлган. Уч тилни ўрганиш аньанаси Мовароуннаҳр мадрасаларида XIX асргача сақланган. Далил сифатида Бобораҳим Машрабнинг шаҳду-ширу-шакар жанрида (яъни уч тилда) ёзилган *«Муножот»*ини келтирамиз (а ҳарфи — бу сатр арабча, ф — форсча, ў — ўзбекча эканини билдиради):

(ф) *Бо ҳазрати ту гўям ҳар дам бисад тавалло,*
(а) *Инний валамту нафсий фағфир лано хатоё.*

(ф) *Гар мў сафед кардим дар роҳи фисқу исён,*
(ў) *Ўз фазлинг била, ёраб, қилма бу қулни расво.*

(ф) *Дар дасти нафси золим дармондаи асирам,*
(а) *Кашфут-тарийк илайка, ё муттасиъ атоё.*

11. ҲАМД

12а. ИЛОҲИ!
АЗАМАТ ВА ЖАБАРУТ
СЕНИНГ ШАЪНИНГДАДУР

12б. ВА МУЛКУ МАЛАКУТ
СЕНИНГ ҲУКМУ
ФАРМОНИНГДА(дур)

13а. АЗАЛИЯТИНГҒА БИДОЯТ ЙЎҚ

13б. ВА АБАДИЯТИНГҒА
ҲАДДУ НИҲОЯТ ЙЎҚ

14а. ДАҲР ГУЛШАНИДА
ҲАР ГИЁҲУ ЯФРОҒ
СЕНИНГ ҲАМДИНГҒА ЗОКИР

14б. ВА СИПЕҲР АНЖУМАНИДА
ҲАР ҲАРФУ АВРОҚ
СЕНИНГ НЕЪМАТИНГҒА ШОКИР

15а. ЖАМОЛИЯТИНГ БЎСТОНИДА
СЕКИЗ УЧМОҚ
БИР РАЙҲОНИ ДИЛНАВОЗ

15б. ЖАЛОЛИЯТИНГ ЗИНДОНИДА
ЕТТИ ТАМУҒ БИР САМУМИ
ЖОНГУДОЗ

12. **жабарут** — қудрат, бўйсундира олиш
мулк — бойлик; мамлакат, салтанат
малакут — мулклар; мамлакатлар; фаришталар олами

13. **азалият** — ўтган замон, вақт ўқининг ҳозирги пайтдан олдинги ярми
бидоят — ибтидо, бошланиш, бошланғич момент
абадият — келаси замон, вақт ўқининг ҳозирдан буёғи; абадийлик
ҳадд — чек, чегара
ниҳоят — охир, сўнгги момент

14. **даҳр** — бу дунё, ўткинчи олам
зокир — зикр қилувчи, тилда қайтарувчи
сипеҳр — осмон, фазо, космос
анжуман —курултой; космология
ҳарф — ҳарф, ишора; юлдуз туркуми ва сайёра(лар)нинг ўзаро вазияти
авроқ — варақлар, катта варақ; юлдузлар осмони ҳолати, космогония
шокир — шукр қилувчи, дилда эсловчи

15. **жамолият** — гўзаллик, дид, эстетика
учмоқ — жаннат, кавсар, фирдавс; руҳ ва тан роҳати
дилнавоз — дилни яшнатувчи, кўнгил овловчи, яйратувчи
жалолият — қудрат, ирода, диктат
тамуғ — дўзах, жаҳаннам, руҳ ва тан азоби
самум — иссиқ шамол, гармсел
жонгудоз — жон олувчи, ўртовчи

(ф) *Чун роҳи хавф дар пеш, агар дар камин аст,*
(ў) *Бандангни йўлга бошлаб лутф айлагил, Худоё.*

(ф) *Дар роҳи нафс рафтам, дар роҳи шаръи ҳаргиз,*
(ў) *Узр айтгали тилим йўқ, не айлайин, Худоё.*

(ф) *Хоҳи ба лутф созу, хоҳи ба қаҳр бисўз,*
(а) *Инний илайка ясъо, ё дофиъул-хатоё.*

(ф) *Узри ба ин гуноҳон Маҳдийи нотавонро,*
(а) *Ё раббано тақаббал инни баҳаққи «Тоҳо».*

(Аҳмад Убайдуллоҳ. Исёнкор шоир. *«Наманган садоси»* газетаси, 1994 йил, 12 май.)

Навоий асарлари ўзбек зиёлиларини кўпроқ тил ўрганишга, жаҳон адабиёти дурдоналарини, хусусан, Шарқнинг буюк адабий меросини аслида ўқишга ундайди. (Яна қ. *Беҳбудий.* Икки эмас, тўрт тил лозим. *«Тафаккур»,* 1995, № 1.)

ҲАМД — Оллоҳга мақтовлар айтиш, унинг сифатларини таърифлаш. Мумтоз адабиётнинг энг изчил анъаналаридан. У кичик бир жумладан (масалан, *«Алҳамдулиллоҳ»)* йирик мустақил асаргача ҳажмда бўлиши мумкин. *«Муножот»*нинг *«ҳамд»* қисми—бу жанрнинг етук намунаси. Унда шакл ва мазмун гўзаллигининг уйғунлашуви бекиёс даражага етган.

12а. Илоҳи *(арабча)* — илоҳим, менинг тангрим.

12б. 6- банд изоҳига қаранг.

12в. Фаришталар (малаклар) олами ҳам, салтанатлар (мулклар) ҳам — Оллоҳ ҳукмида.

13. Оллоҳ доим бор бўлган ва доим бор бўлади — бу фикр *«Муножот»*да нақадар гўзал ифодаланган!

14а. Даҳр, моддий дунё — ўткинчи, лекин у гулшан. Диққат қилинса, ундаги ҳар гиёҳу япроқ Оллоҳга ҳамду сано тимсоли.

14б. Сипеҳр анжумани — осмон ёритқичлари мажлиси — планеталар ва юлдузларнинг ўзаро жойлашуви, ҳаракати. Ҳарф — сайёранинг атрофидаги юлдузлар (буржлар) билан ҳосил қилган шакли. Варақ — бутун юлдузлар осмонининг оний ҳолати. Бу ҳарфларда ҳам, бутун варақда ҳам Оллоҳга шукрона ёзилган.

15а. Оллоҳ жамолияти — У барча гўзалликнинг яратувчиси эканлигида. Инсон гўзалликнинг айрим намуналарига ета олади. Унинг тафаккуридан ташқари бўлса, тасаввури — ожиз. Жаннат — Оллоҳ жамолияти бўстонидан атиги бир райҳондай.

Тасаввуф таълимотига кўра жаннат — инсон руҳиятининг олий босқичи — Оллоҳга етишув. Бу нуқтаи назардан саккиз қават жаннат — ана шу йўлда руҳ босиб ўтиши лозим поғоналар деб тушунилиши мумкин. *(Валлоҳи аълам.)*

15б. Оллоҳ йўлида руҳ қанчалик юксалиши мумкин бўлса, шайтон изидан у шу қадар тубан кетиши мумкин. Етти (қават) дўзах — бунинг ҳам босқичлари дея англаниши мумкин.

16а. ҲАШМАТИНГ БОРГОҲИДА БИР
ШАММА МЕҲРИ МУНИР

16б. ВА САНЪАТИНГ КОРГОҲИДА
БИР ЛАВҲА СИПЕҲРА АСИР

17а. ЮЗ БУ ОЛАМЧА МАВЖУД ЭТАЙ
ДЕСАНГ «КУН ФАЯ КУН» ИБОРАТИ
АНГА КОФИЙ

17б. ВА МИНГ ОНЧАНИ МАЪДУМ
ЭТАЙ ДЕСАНГ
«ХАБОАН МАНСУРО»
ИШОРАТИ АНГА ВОФИЙ

18а. ВАҲДОНИЯТ СИФАТИДА
ШАРИКУ ВАЗИРДИН МУБАРРО

18б. ВА ФАРДОНИЯТ СИЙРАТИДА
ВОЛИДУ ВАЛАДДИН МУАРРО

19а. ИЛМИНГ ДАРЁСИДИН
ҲАР ГАВҲАР
НУЖУМ ДУРАРИДИН ПОКРОҚ

19б. МУЛКУНГ САҲРОСИДИН
ҲАР ЛОЛА
ҚУЁШ МАШЪАЛИДИН
ОТАШНОКРОҚ

20а. БЕМОНАНДЛИҒИНГҒА
«ЛАЙСА КАМИСЛИҲИ ШАЙЪУН»
ГУВОҲИ СОДИҚ

20б. БЕПАЙВАНДЛИҒИНГҒА
«ЛАМ ЯЛИД ВА ЛАМ ЮЛАД»
ДАЛИЛИ МУВОФИҚ

16. **ҳашмат** — ҳашамат— улуғлик, дабдаба
боргоҳ — сарой, қабулхона, резиденция
шамма — парча, зарра, декор
мехр — меҳр, муҳаббат; Қуёш, офтоб; ҳарорат манбаси
мунир — ёритувчи, нурли; нур манбаи
коргоҳ — устахона, лаборатория
лавҳа — тахта; шоир; боб; равшанлик
сипеҳри асир — собит (қўзғалмас) юлдузлар осмони, Галактика

17. **«Кун фая кун»** — «Бўл!, деса, бўлади»
кофий — кифоя, етарли
маъдум — йўқ; йўқ бўлган; аннигилянт
«Хабоан мансуро» — тўзғиган чанг, элементар зарраларга парчаланиш
вофий — етарли, тугал; вафоли

18. **ваҳдоният** — бирлик, ягоналик
шарик — шерик, компаньон
мубарро — холи, пок; инкор этган; ҳожатманд эмас
фардоният — ёлғизлик, yникумлик
сийрат — вужуд, вазият; хулқ, хислат
волиду валад — ота-онаю фарзанд

19. **оташнок** — оловдай куйдирувчи

20. **бемонандлик** — ўхшаши, тенги йўқлик
содиқ — тасдиқловчи; садоқатли
бепайванд — пуштга боғлиқ эмас; ўз ҳолича мавжуд бўлиш

16б. Сипеҳри асир — қўзғалмас юлдузлар сфераси — Галактика — Оллоҳ санъати устахонасидан бир лавҳа. Навоий айрим Шарқ файласуфлари баён қилган тушунчага таяниб, планеталар системаси ҳам, галактика ҳам ягона эмас деб ҳисоблаган бўлса керак.

17а. Оллоҳ Ердаги каби ҳаёт ва цивилизация мавжуд юзлаб планеталар системасини яратай, деса, *«Бўл!»* амри етади.

17б. Ва минглаб астрономик объектни чангга айлантириш учун бир ишора кифоя.

18а. Инсон «Оллоҳ» тушунчасини бевосита била олмайди, унинг сифатлари (исмлари, атрибутлари) орқали англаши мумкин. Улардан бири: Ваҳдоният — Оллоҳ бирдир, ягона сиғиниш объектидир, ёлғиз яратувчи, ривожлантирувчи ва тугатувчидир. Физика ва бошқа фанларда аниқланадиган қонунлар бу сифатнинг кўринишлари намоёнидан иборат.

19а. Оллоҳ илми — абсолют ҳақиқат; илм дарёси — бу ҳақиқатнинг жилваланиши, диалектик ҳаракат; илм дарёсидан гавҳар — инсон идрок қила олган, етиша олган ҳақиқат; бу гавҳар дури, нурланиши — ҳақиқатни идрок қила олган руҳ ҳолати; у юлдуз ярқирашидан ҳам тиниқроқ.

19б. Оллоҳ мулки — *(бу ерда)* фоний дунё, у мисли саҳро (боқий дунёга нисбатан); саҳро лоласи — фоний дунё роҳати, у қуёш машъалидан ҳам куйдирувчироқ. (Мумкин, имонни куйдириши, онгни қорайтириши.)

МАЖОЗ ХАҚИДА. 19—банднинг бу ерда келтирилган талқини субъектив ва аслига нисбатан чеклангани шубҳасиз. *"Муножот"*да илм, дарё, гавҳар, юлдуз дурари, поклик, мулк, лола, қуёш машъали, оташ каби сўзларнинг ҳар бири бирдан ортиқ маънода келади. Матнда улар мажозий маъноларда қўлланаётгани равшан.

Навоийнинг ҳар бир жумласи қатма-қат мазмунга, ранг-баранг талқинга эга бўла олишини унутиб бўлмайди. Хусусан, *"илм дарёсидан бир гавҳар"* иборасида дарё ва гавҳар кўчма маънода қўлланмоқда. Айни пайтда, дарёни тўғри маънода — сув оқими деб тушуниш 19а иборанинг яна бир гўзал талқинини беради: дарёда оқаётган сув — мўъжиза, ҳар томчиси гавҳардан кам эмас, унда олам-олам илм мужассам.

Умуман, дарё — сув, сув оқимидан ташқари узлуксиз ҳаракат, диалектика, битмас-туганмаслик рамзи; гавҳар–жавҳар—қимматбаҳо тош, олмос кристали, бриллиантдан ташқари моҳият, материя, атом, монада маъноларида қўлланиши маълум. Бу каби сўзлар Ўрта аср Шарқ фанида ҳозир унутилган илмий тушунчаларни билдирган бўлиши ҳам истисно эмас.

Бу ўринда матнни мажозий талқин қилиш қанчалик жоиз, деган савол туғилиши табиий. Шарқ адабиётини мажозсиз тасаввур қилиб бўлмайди. *"Ал-мажозу қантаратул-ҳақиқати" (мажоз ҳақиқатнинг эшигидир)* ҳадиси ҳам буни тасдиқлайди. (Дарвоқе, *«мажоз»* сўзининг ҳам бир неча мажозий маънолари мавжуд. Улардан бири — ўзни илоҳий ишққа бахшида этиш, яъни ўз шахсини мажозга айлантириш.)

20а. *«Унга (Оллоҳга) ўхшаш бирор нарса йўқ».*

20б. «Туғилмаган ва туғдирмаган».

20. Муҳаммад алайҳиссалом Исломни очиқ тарғиб қила бошлаганида бут, санам, ой, қуёш, тарихий ё афсонавий мавжудотларга топинувчи-

21а. ҲАР НЕГАКИМ ТАШБИҲ
ҚИЛИНСА ЎХШАМАССЕН

21б. ЯХШИ БОҚИЛСА
УЛ СЕНДАН ДУРУР
ВА СЕН УЛ ЭМАССЕН

22а. ҲАМДИНГДА ТАКАЛЛУМ
АҲЛИ ТИЛИ ҚОСИР

22б. (ва) СИПОСИНГДА
МУТАКАЛЛИМЛАР АЖЗДИН
МУТАҲАЙЙИР

23а. БУ БОБДА
«ЛОНУҲСИ САНОАН АЛАЙКА»
МАЗКУР БЎЛУР

23б. ҲАР НЕЧА БАЛОҒАТ
ЛОФИН УРГАН ДАМ
УРМАСА МАЪЗУР БЎЛУР

24. НАЪТ

25а. УЛКИ «КУНТУ НАБИЙЯН ВА
ОДАМУ БАЙНАЛ-МОИ ВАТТИН»
МАЗМУНИ БИЛА
АНБИЁГА МУҚАДДАМДУР

25б. «РАҲМАТАН ЛИЛ-ОЛАМИН
ВА ХОТАМУН-НАБИЙЙИН»
МАНТУҚИ БИЛА АЛАРҒА МУАХХАР
ВА ХОТАМДУР

25в. ҲАБИБИ ҲАЗРАТИ ИЛОҲ
МУҲАММАД РАСУЛУЛЛОҲ
САЛЛАЛЛОҲИ АЛАЙҲИ
ВАСАЛЛАМДУР

21. **ташбиҳ** — қиёслаш, ўхшатиш, аналогия; метафора

22. **такаллум** — сўзлаш; сўзлаш манераси
қосир — қусурли, дефектли; чекланган, ожиз, ноқобил
сипос — мақтов, таърифлаш; ташаккур билдириш, мамнуният
мутакаллим — сўз соҳиби, нотиқ, оратор; калом илми мутахассиси
ажз — ожизлик, ночорлик
мутаҳайййр — ҳайратга тушган, лол қолган

23. **боб** — мавзу, тема; китоб бўлими; эшик; муқаддима
мазкур — тилга олинган, зикр қилинган
балоғат — етуклик; камолот; мукаммал байт айтиш санъати
маъзур — узрли; мақбул
урмак — (лоф) урмоқ, қилмоқ; ҳурмоқ, вовулламоқ, улимоқ

24. **наът** — таърифлаш, сифатлаш; унвон, эпитет

25. **анбиё** — набийлар, Оллоҳ йўллаган зотлар
муқаддам — бошловчи, биринчи қадам босувчи
мантуқ — нутқда келган, айтилган; мантиқ
муаххар — якунловчи, энг охирги, сафнинг ниҳоясидаги
ҳабиб — дўст, бир маслакли
расуллуллоҳ — Оллоҳнинг элчиси
саллаллоҳ — Оллоҳга сиғинувчи, итоаткор
алайҳи — унга, кимгаки
васаллам — саломларга, Оллоҳ саломига сазовор (бўлсин)

лар ўз тасаввур доирасидан чиқолмай, *«Сен сиғинишимизни даъват этаётган Оллоҳинг нимага ўхшашини айт»* деб талаб қилган. Бунга жавобан, «Ихлос» сураси, «Лайса камислиҳи шайъун» ва бошқа шу мазмундаги оятлар нозил бўлган. Орадан деярли бир минг тўрт юз йил ўтиб, онг ва тафаккур юксалганига қарамай Ислом ғояларини вульгарлаштириш ҳоллари кўп учрайди. Бу борада *«Муножот»*да баён қилинган Алишер Навоийнинг нуқтаи назари ғоят ибратлидир.

21. Бу бандда «Оллоҳнинг тенги ва ўхшаши йўқ» принципининг баёни чуқурлаштирилади. Оллоҳ қиёфасини нимагадир ўхшатишга уриниш тафаккур ожизлиги бўлгани каби, Оллоҳ сифатларини қиёслашга уриниш ҳам хато. Масалан, Оллоҳнинг яратиш қудратини эртаклардаги афсунгар, ихтирочи, ҳайкалтарош фаолиятига ўхшатиш беҳуда. Унинг раҳмлиги шу сўз билан ифодаланадиган инсон хоссасига нисбатан тасаввур қилиб бўлмас даражада буюк.

22. Оллоҳ — чексизлик, Инсоннинг эса умри ҳам, қобилияти ҳам, тушунчаси ҳам, ҳатто тили ҳам чекли.

23. Ҳеч ким Оллоҳга ҳамд айтишни поёнига етказолмайди, бу борада етукликка етдим дейиш лоф урищдан (ҳаттоки вовуллашдан!) бошқа нарса эмас. (Оллоҳга ҳамд айтишнинг шаклларидан бири — фан билан шуғулланиш. Киши фанга қанча чуқурлашса, у ўз ожизлигини шунчалик яхши ҳис қилиши ва шу қадар камтар бўла бориши тарихдан яхши маълум.)

23а. *«Сенинг мақтовингни айтиб тугата олмаймиз».*

24. НАЪТ — пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васалламга миннатдорлик ифодаси. Ислом Шарқи адабиётининг изчил анъанасидан.

Ер юзида яшаб ўтган тарихий шахслар ҳаёти ва фаолиятининг натижасини у зотники билан қиёслаш қийин. Шунингдек, Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарлигидан ташқари, оддий инсон сифатида характери, феъл-атвори, ахлоқ-одоби ва бошқа сифатлари билан ҳам буюк тарихий шахслар қаторида ажралиб туради. Наът — бу улуғ шахс таржимаи ҳоли билан танишган киши қалбида туғилувчи табиий миннатдорлик ва самимий ҳурматнинг ифодасидир.

Навоий Шарқ адабиёти жанрларига шунчаки удум деб қарамасдан, уларни юксак бадиийлик ва чуқур мазмун билан йўғириб, юксак санъат даражасига кўтарган. Шоир ҳатто асарларига тартиб берганда ҳам бу жанрларга изчил эътибор қаратган. Хусусан, «Хазоинул-маоний»нинг тасаввуф руҳидаги биринчи ғазали «басмала» ўрнида келади. Сўнг иккинчи, учинчи, тўртинчи ғазаллари — ҳамд, бешинчиси — муножот, олтинчи, еттинчи ғазаллар — наът, саккизинчи ғазал эса Ҳусайн Бойқарога бағишлов. «Ғаройибус-сиғар» девонидаги маснавий ҳам, қитъалар тизмаси ҳам ҳамд ва наътдан бошланган, рубоийлардан дастлабки тўрттаси ҳамд, наът, муножот ва бағишловдан иборат.

25а. *«Одам Ато сув билан тупроқ таркибида ётган даврдаёқ мен (Муҳаммад) пайғамбар бор эдим».* Буни шундай изоҳлаш мумкин: Ердаги ноорганик, сўнг органик тараққиёт охир-оқибат Муҳаммад алайҳиссаломга — Қуръон нозил қилиниши ва Ислом ёйилишига олиб келиши

26а. ЮЗ ЙИГИРМА ТЎРТ МИНГ
АНБИЁЙИ МУРСАЛ
ХИЛҚАТИДИН
МУРОД УЛ ВА БАРЧА АНГА ХАЙЛ

26б. ВА ЎН СЕКИЗ МИНГ ОЛАМ
ИХТИРОЪИДИН МАҚСУД УЛ
ВА ОФАРИНИШ АНГА ТУФАЙЛ

27а. НУБУВВАТ ТАХТИДА
ҲУМОЮН ФАРҚИ УЗРА ТОЖ

27б. АНБИЁЮ МУРСАЛ ХАЙЛИДА
СОҲИБМЕЪРОЖ

27в. АВВАЛИНУ ОХИРИН ХАЛҚИ
АНИНГ ШАФОАТИҒА
МУҲТОЖ

28а. БУРОҚИ ИНОЯТ АНИНГ
МАРКАБИ УЛВИ(Й) ХИРОМИ

28б. ВА ЖИБРИЛИ ҲИДОЯТ
АНИНГ ПАЙҚИ БАРҚГОМИ

28в. ЛАЙЛАТУЛ-МЕЪРОЖ АНИНГ
ШАБИСТОНИ

28г. ВА «ЛИ МАЪОЛЛОҲУ
ВАҚТУН» АНИНГ МАҚОМИ

29. «САЛАВОТУЛЛОҲ АЛАЙҲИ
ВА АЛО ОЛИҲИТ-ТАЙЙИБИН
ВА АСҲОБИҲИТ-ТОҲИРИН»

30. МУНОЖОТ

31а. ИЛОҲИ!
АКРАМУЛ-АКРАМИН СЕН
ВА МЕН ГУНОҲКОР

31б. ИЛОҲИ!
АРҲАМАР-РОҲИМИН СЕН
ВА МЕН ТИЙРАРЎЗГОР

32а. ИЛОҲИ!
АГАРЧИ ЖУМУ ИСЁНДИН
ЎЗГА ИШИМ ЙЎҚ

32б. АММО СЕНДИН ЎЗГА
ҲАМ КИШИМ ЙЎҚ

33а. ИЛОҲИ!
ЙЎҚ ЭРДИМ БОР ЭТТИНГ

33б. ТИФЛ ЭРДИМ
УЛУҒЛАР ЖАРГАСИҒА ҚОТТИНГ

33в. АММО НАФСУ ҲАВО ЕЛИДИН
ЗУҲДУМ НИҲОЛИН
УШОТТИНГ

33г. ВА ОФИЯТИМ ХАЙЛИН
ЁЗУҚ СИПОҲИ ТУРКТОЗИДИН
ТАРҚОТТИНГ

26. **мурсал** — юборилган, тайинланган, элчи ваколатли
хилқат — яратилиш, табиат
мурод — мақсад, тилак
хайл — гуруҳ, саф
туфайли — туфайли бўлиш, сабаб
27. **нубувват** — набийлик, пайғамбарлик
ҳумоюн — бахт қуши қўнган, қутлуғ
соҳибмерож — Меърож соҳиби
шафоат — воситачилик, ёнини олиш, ҳомийлик
28. **бурок** — бу ерда: илоҳий улов, яшиндай; ёруғликдан ҳам тез ҳаракат воситаси
иноят — марҳамат, эътибор, ғам ейиш
маркаб — улов, кема, транспорт
улви — олий, экстра
ҳиром — юриш, чиройли ҳаракат
Жибрил—Жаброил — пайғамбарга ваҳий (илҳом) ташувчи фаришта
ҳидоят — тўғри йўлга бошлаш
пайк — хабар, информация
барқгом — яшиндай тез
29. **лайла**(т) — тун
Меърож — арши аълога чиқиш, инсон руҳининг олий парвози
шабистон — тун, кеча
мақом — усул, принцип; жой, позиция; даража, босқич
30. **муножот** — илтижо, ўтиниш
31. **акрамул-акрамин** — карамлиларнинг энг карамлиси, буюги
арҳамар-роҳимин — раҳимлиларнинг энг раҳмлиси, буюги
тийрарўзгор — қоронғуликка, ғуссага ботган турмуш
32. **журм** — гуноҳ, жиноят
исён — Оллоҳ буюрган ишдан (йўлдан) бош тортиш
33. **тифл** — бола, гўдак, вояга етмаган

қонуний воқеа, айримлар исботлашга уринганидай тасодифлар натижаси эмас.

25б. *«Бутун олам учун раҳмат ва охирги пайғамбар».*

26. Навоий поэтикасида «ўн саккиз минг олам» ибораси кўп учрайди. У қандай илмий ёки бадиий талқинга асосланганини билишни истар эдик.

27, 28. Барча пайғамбарлар сафида Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам алоҳида ўрин тутишини Навоий шу икки бандда таърифламоқда. Бошқа пайғамбарлар ҳаёти ва таълимоти асил ҳолда сақланмай, афсона ва ривоятлар билан қўшиб-чатилган тарзда етиб келган. Ислом таълимоти ва Расулуллоҳ ҳаёти эса Қуръон ва чуқур илмий назоратдан ўтган ҳадисларда мукаммал сақланган.

28г. *«Менда Оллоҳ билан бирга бўлмоқ учун вақт бор».*

29. *«Оллоҳнинг саломи ва раҳматлари ул зотга, пок оила аъзоларига ва тоза саҳобаларига бўлсин!»*

31а. Ўз ҳаётини батамом хайрли ишларга бағишлаган зот ўзини гуноҳкор деб муножот қилмоқда! Беихтиёр кишида «Мен-чи?» деган савол туғилади.

31б. Рўзгорнинг тийралиги — қалбнинг ғариблиги, руҳнинг зиёдан маҳрумлиги. *«Муножот»* эса ҳақиқий хазинага, нурга интилиш.

32. *«Муножот»* қаршисида ожизлигимиздан уни жумлама-жумла шарҳлашдан ўзни тиямиз, бу борада китобхонга эркинлик қолдириб, айрим ҳолларда изоҳ, кўпроқ эса асардан таассуротларимизни баён қиламиз. (Дарвоқе, «шарҳ» сўзининг бир маъноси — «тушунтириш», бошқаси — «изоҳлаш».)

32б. Навоийнинг ҳеч кими йўқ (*«Муножот»* ёзилаётган ондаги руҳий ҳолат бўлса керак), аммо ёлғиз ҳам эмас! Зеро, муножот ҳам мулоқотдир.

33в. Нафсу ҳаво елидан тавба билан муножот! Бугун нафсу ҳаво довулида қолганларда тавбадан асар ҳам йўқ.

МУНОЖОТ ЖАНРИ ҲАҚИДА. Оллоҳ — инсон қалбида, дилида. Демак, шунга сазовор инсон учун Оллоҳ — энг яқин дўст, ҳабиб. Ҳаётининг принципиал нуқталарида, Оллоҳ билан ёлғиз қолганда, инсон унга мурожаат этади, энг зоҳир (интим) туйғуларини изҳор қилади. Ана шу психологик ҳолат — муножот. У қоғозга тушган тақдирда адабиёт мулкига айланади.

Муножот дастлаб муслимнинг ибодати тарзида бўлган. Қуйида Расулуллоҳнинг энг яқин сафдоши ва биринчи халифаси Абу Бакр Сиддиқ муножотини [17] эркин таржимада келтирамиз.

АБУ БАКР СИДДИҚ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ МУНОЖОТИ

Эй Илоҳим! Савоблари оз бўлган бу банда(лари)нгдан лутфингни аяма. Эй қудратли Оллоҳ! Сидқ билан остонангга келган — бир бечора қулинг. Унинг гуноҳлари кўп ва буюк. Бу буюк гуноҳкорни мағфират қил.

34а. ИЛОҲИ!
ЁМОН АФЪОЛИМДИН
ПАРИШОНЛИГИМ ЧЎҚТУР

34б. ВА ШУМ НАФСИМДА
ПУШАЙМОНЛИК ЙЎҚТУР

34в. МУНДОҚ БАЛОЛАРДИН
ҚУТУЛУРҒА
УММИДИМ СЕНДИН-ЎҚТУР

35а. ИЛОҲИ!
ЎЗЛУК ЁМОНЛИҒИ(М)ДИН
ЎЗЛУГУМ БИЛА ЎТА
ОЛМАЙДУРМЕН

35б. ВА ЯХШИЛАР ЭТОГИН
ЁМОНЛИҒИМ УЁТИДИН
ТУТА ОЛМАЙДУРМЕН

36а. ИЛОҲИ!
ЙИЛЛАР ИБОДАТ ҚИЛҒОННИ
РАД ҚИЛСАНГ
ҲЕЧ КИМ ДАХЛ
ҚИЛА ОЛМАС

36б. ВА ҚАРНЛАР ИСЁН ҚИЛҒОННИ
ҚАБУЛ ҚИЛСАНГ
ҲИКМАТИН ҲЕЧ КИШИ
БИЛА ОЛМАС

37а. ИЛОҲИ!
ОДАМ ХИЛОФОТ ТАХТИНИНГ
МУСТАВЖИБИ
ЎЗИМУ БЎЛДИ

37б. СЕНИНГ ТАҚДИРИНГ БЎЛМАЙ
ШАЙТОН МУХОЛИФАТИНИНГ
СЎЗИМУ БЎЛДИ

жарга — саф, қатор; мартаба, тўгарак

офият — соғлиқ, хуш ҳолат; тинчлик, хотиржамлик

ёзуқ — айб, гуноҳ

сипоҳ — аскар; лашкар, армия

турктоз — турк лашкарларининг ҳужум усули; тўсатдан, бетўхтов бостириш; ғафлатда қолдириш

34. **афъол** — феъллар, характер

чўқ — кўп, талай

сендин-ўқтур — айни сендандир, сенинг ўзингдандир

35. **этогин** — этагини, йўлини

36. **дахл** — аралашмоқ, шубҳаланмоқ

қарн — 30 йил (ҳижрий-қамарий тақвимда кабиса йиллар тартиби такрорланадиган давр); аср, йиллар

37. **Одам** — Одам алайҳиссалом (Ер юзидаги биринчи инсон ва пайғамбар); умуман одамзод

хилофот — халифалик, ўринбосарлик

муставжиб — муносиб, вожиб кўрилган, сайланган

мухолифот — ғайрлик, хилоф иш тутиш, оппозиция конфронтация

У гуноҳкор асли ғариб бир шахс, йўлидан озган бир ожиз қул. Унда исён, Сени унутиш, хатолар ва яна хатолар бор. Сен эса эҳсон, буюк карамлар бергувчисан ҳамда берадиганингни зиёда қилиб бермоғинг бор.

Эй Раббим! Гуноҳларим — қум зарраларидан ҳам кўпроқ. Бу гуноҳлардан мени халос эт, гўзал лутфинг ила ёзуқларимдан кеч.

Эй Илоҳим! Менинг ҳолим не бўлади, ахир бирор хайрли ишим йўқ? Ёмон ишларим кўпдан-кўпу, тоат-ибодатим эса жуда оз. Дардларимга даво бер ва ҳожатимни чиқар: менинг қалбим хаста. Хастага эса шифо бергувчи Сенсан.

Эй Раббим! Ҳазрати Ҳалил Иброҳим хусусида «Эй олов! Уни ёндирма!» деб буюрганинг каби мени ҳам ўтдан қутқар.

Шофий Сенсан, кофий Сенсан. Нима қилсам, Раббим Сенсан. Мен учун Сенинг борлигинг етади. Энг олижаноб ҳомий ўзингсан.

Эй раббим! Менга асл хазина — гўзал хислатлар бағишла. Сен бағишловчисан ва саховат кўрсатувчисан. Илтижоимни қондир ва мени хайрга соҳиб эт.

Эй Раббимиз! Сен қози ва Жаброил гувоҳ бўладиган куни жаннат неъматини ато эт, дўзах даҳшатидан қутқар.

Қани Мусо? Қани Исо? Қани Яхё? Қани Нуҳ?

Эй осий Сиддиқ! Сен қудратли Тангрига тавба-тазарру қил!

Кейинроқ муножот адабиётга кирган ва ҳатто мустақил жанрга айланган: шоирлар назмий муножот бита бошлаганлар. IX—X асрларга келиб китоб бошида ё охирида муножот бериш анъанага айланган. Масалан, Ҳасан Ҳаракониййнинг (вафоти 425 ҳиж. 1033/34 милодий) «Нурул улум» китобининг 5-боби *«Муножот»* дан иборат. (Е. Э. Бертельс «Суфизм и суфийская литература», Москва, 1965 й., 241-б.)

Алишер Навоий асарларида кўплаб муножот намуналари мавжуд. Масалан, *«Ҳайратул-аброр»* да тўртта, *«Лисонут-тайр»*да еттита муножот берилган. Лекин, фикри ожизимизча, Навоийнинг *«Муножот»* асари бу жанр дурдоналарининг дурдонасидир. Зеро бу қадар самимият, инсон руҳининг эркин парвози бутун жаҳон адабиётида учраса учрайди, учрамаса йўқ.

34. Ёмон афъол ва шум нафс — балоки, пушаймонлик йўқ бўлса, демак, қутулишга умид ҳам йўқ.

35. Муҳаммад алайҳиссалом Оллоҳ ҳузурида «Умматим!» дея йиғлаганлар. Ҳазрат Навоий Расулуллоҳга эргашиб, ўз ўқувчилари, яъни, сизу биз учун муножот қилаётгандай!

36. Йиллар ибодат носамимий бўлиши мумкин, Оллоҳ эса билувчи. Йиллар исён қилган ҳеч кимга сездирмай савоб қилган бўлиши мумкин, Оллоҳ эса кўрувчи. Инсон бошқанинг ва ҳатто ўзининг ички дунёсини англаши мушкул, Оллоҳ эса ҳикмат соҳиби.

37. Инсон, бир томондан, тафаккурга эга, фаришталар саждасига лойиқ кўрилган зот. Айни пайтда у Иблиснинг Оллоҳга ихтилофи объекти. Инсон табиатидаги бу диалектик қарама-қаршилик унинг индивидуум сифатида ҳам, ижтимоий субъект сифатида ҳам ривожланиши омилидир. Зеро, инсон учун белгиланган тақдир — Шайтон воситасида синалиш.

38а. ИЛОҲИ!
БЕРГУВЧИСАН
ҲАМ ФИСҚУ ФУЖУРНИ,
ҲАМ ЗУҲД, ҲАМ ВАРАЪНИ
38б. АЛАРНИНГ ТУҲМАТИН
БИР НЕЧА ОЖИЗГА
БОҒЛАМОҚ НЕ ЯЪНИ?*
39а. ИЛОҲИ!
ИНОЯТИНГҒА УМИДВОР-
МЕНКИМ
ГУНОҲИМ БЕҲАДДУР
39б. ВА РАҲМАТИНГГА
САЗОВОРМЕНКИМ
ХАТОЮ САҲВУМ БЕАДАДДУР
40а. ИЛОҲИ!
ДАРДУ ҲОЛИМНИ
ҲАРКИМГА
АЙТСАМ РАД ҚИЛСА
СЕНГА ТАВАЖЖУҲ ЭТГАЙМЕН
40б. ВА АГАР СЕН РАД ҚИЛСАНГ
НЕТКАЙМЕН
ВА КИМГА КЕТКАЙМЕН?
41а. ИЛОҲИ!
СЕНИНГ ЙЎЛУНГДА
ТУФРОҒ ЕТСА
ТЎТИЁДУР
41б. ВА КЕСАК ЙЎЛУҚСА
КИМЁДУР
41в. ҒАЙРИНГДИН ҚИЗИЛ ОЛТИН
ҚОРА ТУФРОҒДЕК БЕҚАДРУ
КАМБАҲОДУР
42а. ИЛОҲИ!
ЁМОНЛИҒИМДИН
АГАРЧИ КЎП АЛАМИМ БОР
42б. ҒАМХОРИМ СЕН БЎЛСАНГ
НЕ ҒАМИМ БОР
43а. ИЛОҲИ!
ДУНЁ МАЙЛИ РИШТАСИН
КЎНГЛИМДИН УЗ
43б. ВА НАФСОНИЯТ ТИЙРАЛИҒИДА
ҲИДОЯТ ШАМЪИ БИЛА
ЎЗУНГ СОРИ ЙЎЛ КЎРГУЗ
44а. ИЛОҲИ!
УЛ УЗУН ЙЎЛ
ВА ҚАТИҒ ВОДИЙДА
ИНОЯТИНГ БИЛА
ЙЎЛДА
44б. ВА АНИНГ ҚАТЪИДА
АЁҒИМ ТОЙИЛСА
ДАСТГИРЛИГИНГ БИЛА ҚЎЛДА

38. **фисқ** — бузуқлик, зино; тўғри йўлдан бош тортиш
фужур — гуноҳга ботиш, фаҳш
зуҳд — ўзни тийиш, аскетизм
вараъ — нафсни тийиш, парҳез, покдомонлик, гуноҳдан ор
туҳмат — туҳмат; айблаш; шубҳа
39. **иноят** — марҳамат, эътибор, ...нинг ғамини ейиш
беҳад — чегарасиз, чексиз, саноқсиз
саҳв — хато, нуқсон
бедад — беҳисоб, сон-саноқсиз, чексиз
40. **таважжуҳ** — юзланмоқ, юз бурмоқ, мурожаат қилишга шайланмоқ
41. **тўтиё** — кўзни даволашда ишлатилган дори; кўр кўзни очадиган тош; умуман илм
кимё — моддалар; мисни олтинга айлантирувчи модда; алхимия; умуман фан
ғайр — ўзга, бегона, ёт; норози кўз билан қараш
42. **ғамхор** — ғамхўр, ғамга шерик
43. **майл** — истак, ҳавас, интилиш
ришта — ип, боғловчи восита; физик майдон
нафсоният — нафсга тобелик, нафс балоси; моддий ҳаётга берилиш
тийра — қоронғу, ғуссали; ақлни ўғирловчи
сори—сари томонга, йўналишда
44. **қатиғ**—қаттиқ—қийин, уқубатли
қатъ — кесилган, қирқилган; юриш, кезиш; пасту баланд; барьер
дастгирлик — қўлдан тутиш, етаклаш, протекция
йўлда—қўлла, **қўлда**—йўлла

* Проф. А. Абдуғофуров «не яъни?» эмас, «не маъни?» бўлса керак, деган фикр билдирадилар.

38. Бу бандни шарҳлашга ожизмиз. У умумий характердаги фикр бўлмай, конкрет шахслар ва тайин воқеаларга шоир муносабати бўлиши эҳтимол. (Улуғ зотларга озор бериб, лаззат топувчилар ҳамма замонда ҳам етарли.)

39. Инсон ўз гуноҳ ва хатоларини тўғри ҳисоблай олмайди, кўпинча, гуноҳини савобга йўяди. Ваҳоланки, аслида бу такаббурликнинг бир шакли. Бунинг акси эса, Навоийга кўра, иноят ва раҳматга сазовор қилувчи хусусият.

40. Бу бандни ҳаяжонсиз ўқиб бўладими? Исломнинг буюк принципи инсон Оллоҳга бевосита, оралиқ вакилларсиз таважжуқ қила олишидир, унга ўз дил розини, дарду армонларини, хатою гуноҳларини, ҳатто шубҳаю маъсиятини тўғридан-тўғри баён эта билишидир.

41. Оллоҳ йўли — инсон руҳиятининг юксалиш, покланиш йўли. Бошқа йўлда тўтиё — тупроқ, қизил олтин — кесак.

Ўзига хос алгебра: Оллоҳ ғайридан қизил — қорага, олтин — тупроққа айланиб, тўтиё — беқадр, кимё — камбаҳо.

42. Демак, гуноҳдан алам чека билиш — руҳни покловчи хислат экан.

43. *«Дунё майли риштаси», «Нафсоният тийралиги»* — Навоийона ҳикматли иборалар. Яна бир неча мисол: *нафсу ҳаво ели, нафси ғаддор, нафси худрой, лаҳву ҳаво майи, ужбу риё жоми, ...*

Бундай иборалар луғатимизга қайси тилдан кириб келганидан қатъи назар, Навоийга хос экан, ўзбек тилининг мулкидир. Улар сўз бойлигимизни орттиришдан ташқари нутқимизни зариф қилади, тушунчамизни кенгайтиради, қалбимизни поклаш, ёшларни тарбиялашда қўл келади.

44. Шоир комил инсон идеали томон йўл узун ва қаттиқлигидан огоҳ этар экан, ўз ҳаётий тажрибаси билан бизга далда бераётгандай.

СЎЗ ЖИЛОЛАРИ. Навоий асарларини ўқиганда диққат қилиниши лозим хусусият — сўзларнинг камалакдай турланиши, ранг-баранг товланиши. Бу хусусиятга бир сўз мисолида ойдинлик киритайлик.

Шоир асарларига тузилган луғатларда «туз» (эски ўзбек ёзувида توز) сўзи қуйидаги маъноларга эга бўлиши мумкинлиги келтирилади:

ош тузи, умуман туз ва тузсимон моддалар;
ҳақиқий, тўғри адолатли; пропорционал, муқобил, мутаносиб;
қур, яса, тартибга сол, ташкил эт;
текис, ясси, текислик; чўл, яйдоқ дала, ҳосили йиғилган экинзор;
чидам, сабот, куч;
ёй (қурол)нинг сирти, тутқичи;
бодом пўстлоғи ва шундан тайёрланадиган кимёвий модда;
косметик модда (сурма, упа каби);
талаш (таламоқ феълидан), ҳужум.

45а. ИЛОҲИ!
БУ ЙЎЛ САЙРИДА
ШАЙТОННИ ТЕГРАМГА ЁВУТМА
45б. АГАР УЛ АДУВ ЙЎЛ УРСА
ЗУҲДУМДИН НЕ КЕЛГАЙ
ИНОЯТИНГНИ ЎКСУТМА
46а. ИЛОҲИ!
ТАҚВИЙ БЕРКИ
НАФСИ ҒАДДОР
АНГА ЗАБУН БЎЛСУН
46б. ВАРАЪЕ НАСИБ ҚИЛКИ
ШАЙТОНИ НОБАКОР БОШИ
АНИНГ АЁҒИДА НИГУН БЎЛСУН
47а. ИЛОҲИ!
ҒАФЛАТ УЙҚУСИДАМЕН
БЕДОР ҚИЛ
47б. ВА ЖАҲОЛАТ
МАСТЛИГИДАМЕН ҲУШЁР ҚИЛ
48а. ИЛОҲИ!
УЛ БЕДОРЛИҒНИ
ОГОҲЛИККА ЕТКУР
48б. ВА БУ ҲУШЁРЛИКНИ
БЕИШТИБОҲЛИККА УЛАНДУР
49а. ИЛОҲИ!
ДУШМАНДИР ШАЙТОНИ
ХИЙЛАНАМОЙ МАНГА
49б. ВА НАФСИ ХУДРОЙДИР
КОРФАРМОЙ МАНГА
49в. БУ ВАРТАЛАРДА ДАСТГИР
(СЕН) БЎЛМАСАНГ ВОЙ МАНГА
50а. ИЛОҲИ!
АГАР ХИСЛАТИМ ЭГРИДУР
НИЯТИМ ТУЗДУР
50б. БУ ЖИҲАТДИН
ҚЎРҚИНЧИМ БОРДУР
АММО УММИДИМ БИРГА ЮЗДУР
51а. ИЛОҲИ!
АГАР АФЪОЛИМГА БОҚСАМ
УЁТ ЎЛТУРУР
51б. ВА СЕНИНГ КАРАМИНГНИ
СОҒИНСАМ УММИД ТАНИМГА
ЖОН КЕЛТИРУР
52а. ИЛОҲИ!
СЕНДИН ЁМОНЛИҒ КЕЛМАС
ВА МЕНДИН ЯХШИЛИҒ
52б. СЕН ЯХШИСЕН
ВА МЕН ЁМОН ҲАР КИМГА
ЎЗИГА МУНОСИБДИР ҚИЛИҒ
53а. (ИЛОҲИ!)
ТИКАН ИШИ САНЧИЛМОҚ
УЧУН АНИ КУЙДИРМАК
МУНОСИБДУР
53б. БАҲОР ФАЙЗИ ОММ УЧУН
АНГА ГУЛ МУҲОСИБДУР
54а. ИЛОҲИ!
ТУФРОҒДИН ЭЛ КЎЗИГА
ТИЙРАЛИК ЕТАР
54б. ВА ҚУЁШ АШЪА БИЛА ОЛАМ
АҲЛИН КЎЗИН РАВШАН ЭТАР
55а. ИЛОҲИ!
ЧУН ҲАР НЕ ҚИЛИЛУР
САНГА ТАҚДИРДУР

45. **сайр** — йўл босиш; ҳаёт йўли
тегра — яқин; атроф; кўнгил эшиги
ёвутмоқ — яқин келтирмоқ, йўлиқтирмоқ
адув — ёв, душман, адоватли
46. **тақвий** — тақво, бурчни ошириб адо этиш; кучайтириш, қувват
ғаддор — хоин, сотқин, манфур; ички душман
забун — мағлуб, енгилган; унутилган; кучсиз
нобакор — бузғунчи, адоватчи; ишсиз, провокатор
47. **ғафлат** — бехабарлик; сезмайдиган, мудроқ
48. **беиштибоҳлик** — шубҳасизлик, шубҳадан холи бўлиш, принципиаллик
49. **хийланамой** — хийлакор, маккор
худрой — ўжар, қайсар
корфармой—корфармо — жаноб; ишбоши, иш буюрувчи, лидер
варта — гирдоб, ўпқон; хавф
дастгир — қўлловчи, етакчи, ўз таъсирига олувчи
50. **туз** — тўғри, холис, самимий
51. **афъол** — феъллар
карам — саховат, сахийлик, қўли очиқлик, олижаноблик
53. **файз** — барака; лутф; эҳсон; қувонч; равшанлик; баҳра оладиган
омм—умм — оммага, ҳаммага оид, оммавий
мусоҳиб—соҳиб бўлган, эга
54. **тийралик** — қоронғулик, қайғу, вайронлик
ашъа — шаъа—нур, ёруғлик тўлқини
55. **тақдир** — қодирлик натижаси, Оллоҳ битган, инсон эркидан ташқари

Булардан ташқари эски ўзбек ёзувида *«туз»* ва *«тўз»* сўзлари бир хил ёзилиши ҳам мумкинлигидан у яна қатор маъноларга эга бўла олади. Савол туғилади: матнда қайси сўз қайси маъноларда қўлланган? Лекин сўзнинг маъносини конкретлаштириш муаллиф фикрини чеклаши мумкин. *«Муножот»* каби илоҳий илҳом билан ёзилган асарларда эса сўз мазмуни ернинг тубидаги нефть кони сингари чуқур бўлиши мумкин.

Хуллас, сўзнинг жилоланиши маъно кўпқирралигини туғдиради. Навоий тили бу хусусияти билан бетакрордир. Лекин бу ўқувчини ўкинтирмаслиги, аксинча илҳомлантирмоғи лозим: қайта-қайта ўқиган сари янгидан-янги мазмун ва гўзаллик кашф қилинаверади. Шунинг учун ҳам Навоий ижоди ўзбекнинг муҳаббати ва ифтихори манбаидир.

45, 46. Имоннинг мустаҳкамлиги, виждонда собит (принципиал) тура олиш — аслида Оллоҳнинг буюк инояти. Бусиз зуҳд ҳам, тақво ҳам, вараъ ҳам самарасиз.

47. Ғафлат — уйқу, туш; жаҳолат — мастлик, кайф. Ғофиллик ва жоҳиллик ҳам чегарасиз бўлганидай, буларнинг акси — «бедорлик» ва «ҳушёрлик»нинг, яъни руҳни тарбиялашнинг ҳам олий даражаси йўқ.

48. Бу йўлда жуда юксак манзилга етишганлар бор: Имоми Аъзам, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд,...

«Ҳайратул-аброр», «Лисонут-тайр», «Насойимул-муҳаббат», «Муножот» асарлари, қолаверса, бутун ҳаёт тарзи исботлайдики, руҳият ва маънавиятда Алишер Навоий ҳам бу арбоблар сафида улуғ мавқега эга.

49. Хотиржам қадам босаётганнинг қалби туғёнда, сокин кайфиятлининг руҳи ғалаёнда, адолатпешанинг ирðдаси манфаатга тобеъ, олимнинг ўйи тама билан банд бўлиши мумкин.

51. Ўз феъл-атворига сиртдан қарай олмоқ, ундан уяла билмоқ, Оллоҳ карамини соғинмоқ, умидга таянмоқ — имон аломатлари.

52. Бу банд одамни беихтиёр совуқ терга ботиради —худди ҳазрат кузатиб тургандай.

53. Баҳор — гул фасли эмас, аксинча, дилларни яшнатувчи фасл бўлгани учун гул билан олқишланади!

«МУНОЖОТ»НИНГ АЖИБ БИР ХУСУСИЯТИ ҲАҚИДА. Сўзларнинг жуда кўпи роппа-роса икки мартадан қўлланган. Бу тасодифми ёки санъатми? Шаклий лингвистик ҳодисами, ё тагида бирор қонуният, мақсад ётадими?

55, 56. БУ ИККИ БАНДДА ИСЛОМНИНГ ЯНА БИР РУКНИ — ҚАДАР ПРИНЦИПИ ИФОДАЛАНГАН.

Инсон тақдирининг олдиндан белгилангани билан унинг ўз хатти-ҳаракати, сўзи, ўйи, амали учун масъуллиги орасида зиддият мавжуд туюлади. Бу мавзу айниқса, исломга оппозицияда турувчи файласуфлар томонидан кўп тафтиш қилиниб, улар қадар принципини одатда фатализм билан тенглаштирадилар. Лекин бу анчайин юзаки мушоҳада

556. ҚИЛГУВЧИҒА ҚИЛМОҚТА
НЕ ТАДБИРДУР

56а. ИЛОҲИ!
ТАҚДИР ҚИЛҒОНИНГНИ
ҚИЛУРҒА НЕ ИХТИЁР

56б. ҚИЛМАСМЕН ДЕМАККА
КИМНИНГ ҲАДДИ БОР?

57а. ИЛОҲИ!
АГАРЧИ
ЗАЛОЛАТҚА ТУШУБМЕН
АММО ҲИДОЯТИНГТА
ТАЛАБГОРМЕН

57б. ТАМУҒ ЎТИҒА ТУШКАЛИ
ЁВУШУБМЕН
АММО РАҲМАТИНГДИН
УММИДВОРМЕН

58а. ИЛОҲИ!
УММИДИМНИ КАРА-
МИНГДИН МАЪДУМ
ҚИЛМА

58б. ВА РАҲМАТИНГНИ
ХАЛОЙИҚҚА ОММ ҚИЛҒОНДА
МЕНИ ҲАМ МАҲРУМ ҚИЛМА

59а. ИЛОҲИ!
АГАР ДАСТГИР СЕН БЎЛМА-
САНГ АСО ҲАМОНУ
ИТ ҒАНЖИСИ ҲАМОН

59б. ВА АГАР ПАРДАПЎШ
СЕН БЎЛМАСАНГ
РИДО ҲАМОНУ
ЭШАК АРҒАМЧИСИ ҲАМОН

60а. ИЛОҲИ!
ТОАТИНГА
ҲАВАСИМ БОР
АММО НАФСҚА ЗАБУНМЕН

60б. ИБОДАТИНГГА МУЛТАМАСИМ
БОР
АММО ГИРИФТОРИ
ИШҚУ ЖУНУНМЕН

61а. ИЛОҲИ!
ЛАВҲУ ҲАВО МАЙИДИН
МАСТМЕН

61б. УЖБУ РИЁ ЖОМИДИН
МАЙПАРАСТМЕН

61в. БУ ДАСТОВИЗЛАР БИЛА
ШАЙТОНҒА ҲАМДАСТМЕН

56. **ихтиёр** — танлаш, хоҳиш, эрк
ҳадд — ҳақ, ҳуқуқ; ихтиёр, ирода; чек

57. **залолат** — адашув, йўлдан тойиш; имонга путур
ёвушмоқ — яқинлашмоқ, яқин келмоқ

58. **маъдум** — йўқ, мавжуд эмас; йўқотилган, пастда қолган

59. ... **ҳамону**, ...ҳамон—...нимаю, ...нима; худди ўзи
асо — ҳасса, таянч, суянч
ғанж—ғунж — ит, от бўйнига боғланадиган таёқ (ипни ғажимасин, қочмасин учун)
пардапўш — парда тутувчи

60. **забун** — енгилган, таслим бўлган, асир
мултамас — илтимос (қилиш), истак
гирифтор — тутқин, асир; қийин аҳволда, жуда банд; йўлиққан
жунун — жиннилар(ча), ақлдан озгандай

61. **лаҳву ҳаво** — ўйин-кулгу; ҳавога ёзилган
ужб — манманлик, эгоизм
риё — иккиюзламалик, мунофиқлик
дастовиз — совға, арзимас туҳфа, сувенир
ҳамдаст—қўлдош, мададкор

натижасидир. Бу муаммо хусусида бизнинг «Фан ва дин» мақоламизда ўз нуқтаи назаримиз баён қилинган («Тафаккур», 1999 йил, 1- ва 4-сонлар).

Аслан, *«тақдир пешонага ёзиб қўйилган бўлса, демак, инсоннинг эрки йўқ»* каби мушоҳадалар жуда саёздир.

57. Оллоҳ раҳматига умидворлик билан бир қаторда унинг ҳидоятига талабгор бўла олиш даражасига ҳар ким ҳам етавермайди!

58. Илм ва тақвода, меҳнат ва ибодатда Навоий юксак мартабага етган. Лекин шунга қарамасдан ўзини халойиқнинг бир парчаси деб қараб, ўз тақдирини халқдан айри қўймаслик — Навоий гуманизмига хос хусусият.

59. Оллоҳ қўлламаса, асо (ҳасса, таянч, қурол, ва ҳоказо, мажозан эса бойлик, амал, мартаба, унвон ва ҳоказо) ҳамону, ...

60. НАҚШБАНДИЯНИНГ ИККИ ПРИНЦИПИ *«Муножот»*ни, айниқса мана шу бандларни тушуниб етиш учун фойдали.

Маълумки, Алишер Навоий тасаввуфнинг нақшбандия тариқатига қаттиқ ихлос қўйган. Сўнгги йилларда нақшбандия ҳақида кўп адабиёт ва тадқиқотлар чоп этилди. *«Муножот»* мутолааси муносабати билан бу таълимотнинг қуйидаги икки принципига тўхтайлик:

ЎЗ НАФСИГА ТУҲМАТ
ЎЗГАЛАР ГУНОҲИ УЧУН АЗИЯТ

Бу хусусда Абул Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг «Баҳоуддин Балогардон» китобига мурожаат этайлик.

«(Баҳоуддин Нақшбанд) айтар эканлар:

— Киши ўз нафсига туҳмат қилиши керак. Кимки Ҳақ субҳонаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг ҳийла-найрангларини англаган бўлса, бундай қилиш осон бўлади.

— Бу йўлдан (яъни нақшбандия йўлидан) юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ўзидан деб билиш ҳоллари кўп бўлади».

Яна: «У қавм улуғларининг сўзлариданки, бу йўлда юрувчи ўз нафсини Фиръавн нафсидан юз марта бадтар деб билмаса, демак, бу йўлда эмас».

«Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд)дан сўрадилар: — Дарвишлар ҳузуз (лаззат, роҳат)дан бутунлай кечганлар, нега улар яна «Оллоҳим-мағфирли» («Оллоҳим, гуноҳларимдан ўт») дуосини ўқийдилар? Айтдилар: Улар ўзларининг вужудларини поклаш билан ўзгаларнинг вужудларини поклашни истайдилар».

Демак, Навоий 15 асрдан туриб, *«Муножот»*и билан бизнинг авлодимизни поклашга интилмоқдалар!

Жамият тараққиётнинг турли соҳаларида қанчалик илгарилаб кетган бўлмасин, лекин биз улуғ боболаримиз маънавият, руҳият бобида кўтарилган чўққиларни тасаввур қилишга ҳам, англаб етишга ҳам кўпинча ожизмиз.

61. Шайтон лавҳу ҳаво, ужбу риё каби сувенирлар билан ўзига ҳамдаст қилиб олиши Навоий замонида қанчалик эди-ю, бугун қай даражада?!

62а. ИЛОҲИ!
ПАРИУЗОРЛАРҒА МЕНИ
ДЕВОНА ҚИЛДИНГ

62б. ВА ШАМЪРУХСОРЛАРҒА
КЎНГЛУМНИ ПАРВОНА
ҚИЛДИНГ

62в. БУ САБАБЛАРДИН
РАСВОЛИҒ БИЛА
ОЛАМҒА
АФСОНА ҚИЛДИНГ

63а. ИЛОҲИ!
НЕЧА МУСАЛСАЛ ЗУЛФ
САВДОСИДИН
БЎЙНУМДА ЗАНЖИР (БЎЛҒАЙ)

63б. ВА (НЕЧА) МУАНБАР
ХОЛ ХАЁЛИДИН
КЎНГЛУМ АСИР

63в. СЕНГА ТАҚДИР БУ
НАВЪ ЭРСА
МЕНГА НЕ ТАДБИР?

64а. ИЛОҲИ!
КЎНГЛУМ КИШВАРИ
ҚАРО КИРПИКЛАР ЯСОЛИ
ЯҒМОСИДИН БУЗУҚТУР

64б. ВА САБРИМ УЙИ
ГУЛРАНГ УЗОРЛАР
ХЎЙИ – СЕЛИДИН ЙИҚУТУР

65а. ИЛОҲИ!
ҲАР ОТАШИН ЛАЪЛ
МЕНИНГ ЎТ ТУШКАН
ЖОНИМДИН
НАМУДОР

65а. ВА ҲАР СЕРОБ ҒУНЧАДА
МЕНИНГ КЎП ПАЙКОН
КЎНГЛИМ ШАКЛИ
ПАДИДОР

65в. БУ ОФАТЛАРНИНГ ИЛОЖИ
СЕНГА ОСОНДЎР МЕНГА
ДУШВОР

66а. ИЛОҲИ!
ШЎХИ ЧОБУКЛАРҒА
(ЧВЛОНДА) ҲАР ЁН
ШИТОБ СОЛУРСАН

66б. ВА АЛАРНИНГ ҲАР ЁН
ШИТОБИДИН МЕНИНГ
ОШУФТА КЎНГЛУМҒА
ҲАР ДАМ ИЗТИРОБ
СОЛУРСЕН

62. **париузор** — пари юзли, кўринишли
шамърухсор — шамдай нурли чеҳра
афсона — афсона, достон; машҳур

63. **мусалсал** — занжирсимон, ҳалқа-ҳалқа; жингалак; тўлқинли
зулф — соч ўрими; гажак
муанбар — анбар ҳидли, хушбўй
бу навъ — бу каби, бу турдаги

64. **кишвар** — мамлакат, вилоят; кўнгил мулки; ички дунё, психика
кирпик — киприк
ясол — саф, ясовулдай
яғмо — талон-торож; аёллари гўзал шаҳар
хўй — феъл, одат, темперамент

65. **оташин** — оловли, чўғдай; қизарган
намудор — кўриниш, тасвир, проекция
сероб — нам, ҳўл, серсув; кўзёшли; кўп, мўл; қуюқ (аччиқ) дамлама
пайкон — тикан (санчилган), заха; ўқ учига ўрнатиладиган найзача
падидор — пайдо, намоён
душвор — қийин, мураккаб

66. **чобук** — тез, чаққон; эпчил, чавандоз
а) (чвлонда) — чевиланда — чеврилганда, ўгрилганда, айланганда
б) чвлонда — жавлонда, жавлон урганда, шуҳрат қозонганда
шитоб — ошиқиш, шошилиш, суръат, темп

62—79. Бу бандлар — гўзаллик, ишқ хусусида. Бу мавзуда кўп ва хўб ғазалу достон битган Шоир *«Муножот»*да, таъбир жоиз бўлса, якуний мушоҳада юритади. Гўзаллик ҳам, муҳаббат ҳам Оллоҳ иродасининг маҳсули, Унинг олий неъматларидан. Етук гўзаллик, чин севги кишини бутунлай чулғаб олиши ҳам шундан. Бу хусусда мавлоно Лутфий нуқтаи назари:

Қаду оғзингга боқсам, «оҳ» дерман,
Сени кўрган сайин «Оллоҳ!» дерман.

62б. Шам парвонани қандай ўзига тортиб ҳалак қилса, юзидан шамдай нур таратувчи шамрухсор ошиқни шу кўйга солади.

63а. Тўлқин-тўлқин қора сочлар бўйинга занжир бўлиб, дунёни қоронғу қилади; сочнинг қораси занжирбанд асир бошига кетма-кет савдолар солади.

Равшанки, Навоий каломини оддий сўзлар билан ифодалаш амри маҳол. Айтайлик, 63а бандда савдо сўзининг *қора, қоронғу, савдо (олиш—сотиш), кулфат, ғавғо* каби тўғри ва кўчма маънолари қоришиб ажиб картина яратади.

64а. Қора киприклар ёйга терилган ўқлар каби кўнгил уйини бузишга сафланган; найзалар билан қуролланган лашкар бўлиб кўнгил мамлакатини вайрон қилади.

65а. Олов рангли ҳар лаъл кўриниши ишқдан сарғайган ва иситмалаган жонни тасвирлайди. Куйдирувчи лаблар қизиллигида эса ишқдан куйган юракнинг акси бор.

66. НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЛЕКСИКАСИ (ЛУҒАТ БОЙЛИГИ) ҲАҚИДА. Матндаги «Чевиланда» сўзи эски ўзбек ёзувида ЧВЛОНДА (яъни *«Муножот»*нинг қўлёзмасида (چولاندە) тарзида ёзилган. Айнан шу шаклда бу сўзни Навоий асарларига бағишланган луғатлардан топмадик. Ожиз фикримизча, бу сўзни икки йўсинда ўқиш мумкин.

1) «Чвлонда»-чевиланда-чеврилганда (чеврилмоқ — ўгирилмоқ, ўгирилиб қарамоқ сўзидан). Бу мазмунда 66а банд шундай шарҳланиши мумкин: *Шўх қизлар (рaққосалардир) нозу карашма билан ҳар қиё боққанда, атрофдагилар шошиб, ўзини қўйгани жой тополмай қолади.*

2) «Чвлонда»-чавлонда-жавлонда (чавланмоқ — ном чиқармоқ, шуҳрат қозонмоқ, улуғланмоқ, мақталмоқ сўзидан). Бу сўз Юсуф Хос Ҳожибнинг *«Қутадғу Билиг»* китобида учрайди:

Келур қут кишика оти чавланур
Янги ойтег ортар ёруқи тўлур.

Бу мазмунда 66а сатр қуйидагича талқин қилиниши жоиз: *2) Шўхи чобуклар жавлон урар экан, уни кузатувчилар ҳам шошиб қоладилар ва ихтиёрини йўқотадилар. Ёки 3) Шўхи чобукларнинг (гўзаллиги, санъати ҳақида) шуҳрати қанча ортса, ошуфталар ақлини шунча кўп ўғирлайди.*

Бу бандда биз Навоий ижодининг яна бир ажиб хусусияти билан тўқнашамиз. Шоир асарларида неча ўн минглаб сўз қўлланган. Улардан

67а. ИЛОҲИ!
АЛАРГА УЛ ШИТОБИДИН
ҚАРОР ЙЎҚ

67б. ВА МЕНГА БУ ИЗТИРОБДИН
ИХТИЁР ЙЎҚ

68а. (ИЛОҲИ!)
АЛАРНИНГ ДИЛРАБОЛИҒИ
ҲАМ
— СЕНДИН

68б. ВА ОШУФТА КЎНГЛУМНИНГ
МУБТАЛОЛИҒИ ҲАМ
— СЕНДИН

69а. ИЛОҲИ!
БИРАВ ҲУСНИГА МАЛОҲАТ
БЕРУРСЕН

69б. ВА АНИНГ ТУЗИН
МЕНИНГ КЎНГЛУМ
ЖАРОҲАТИГА СЕПУРСЕН

70а. ИЛОҲИ!
БИРАВ МИЖАСИ НИШИН
ЗАҲРОЛУД ЭТАРСЕН

70б. ВА АНИНГ НЎКИН
МЕНИНГ ЯРОЛИҒ БАҒРИМҒА
САНЧАРСЕН

71а. ИЛОҲИ!
ШАМЪ ҲУСНИ БЕЗАНМАГИ ҲАМ
СЕНДИН

71б. ВА ПАРВОНА ЖОНИ
ЎРТАНМАГИ ҲАМ СЕНДИН

72а. ИЛОҲИ!
ГУЛ УЗОРИҒА
ДИЛАФРЎЗЛУҚ ҲАМ
СЕН БЕРДИНГ

72б. ВА БУЛБУЛ ФИҒОНУ ЗОРИҒА
ЖИГАРСЎЗЛУҚ ҲАМ
СЕН БЕРДИНГ

73а. АГАР ҚАЙСИ ШАМЪИ ГУЛРУХ
ИШҚИ ЎТИНКИМ
КЎНГЛУМҒА СОЛДИНГ

73б. ПАРВОНА ВА БУЛБУЛДЕК
САБРУ ҚАРОРИМНИ ОЛДИНГ

74а. ИЛОҲИ!
АГАР ИШҚ СУУБАТИДИН
БАЗМ ТУЗДУМ

74б. ВА МАЙ СЕЛИ ОФАТИДИН
ТАҚВО ВА ЗУҲДУМ УЙИН
БУЗДУМ

67. **ошуфта** — ошиқона, шоирона; севишга мойил; паришон, тўзғиган

қарор — ечим, тўхтам, вердикт, резолюция; асос, таянч; манзил; тинчлик, хотиржамлик

изтироб — ҳушини йўқотиш, чалкашиш, иккиланиш, бeқарорлик

69. **малоҳат** — ҳусн, мафтун этиш; тузи ўткирлик

70. **мижа** — мужа — мижжа, киприк; нигоҳ, имо

заҳролуд — заҳар қориштирилган, учига заҳар суртилган

нўк — нўг — уч, ниш, тикан учи; ўткир санчқи

72. **дилафрўз** — дилни ёритувчи

жигарсўз — жигарни куйдирувчи, ични ўртовчи

73. **гулрух** — гулрўй— гул юзли, гул қиёфали

74. **суубат** — қийинчилик, оғирлик, юк

кам учрайдиган ва мураккабларини изоҳлаш учун кўплаб махсус луғатлар тузилган. Бу луғатлар Шоирнинг тузувчиларга маълум бўлган асарларида учраган сўзларни ўз ичига олган, табиий.

Олима С. Ғаниева Навоийнинг яна бир асарини биринчи бор нашр қилиши билан, у мўъжазгина бўлишига қарамай, луғатларда учрамайдиган янги сўзга дуч келамиз. *Ўз-ўзидан савол туғилади:* Навоий тили аслида неча юз минг сўздан иборат бўлган? Бу тилдек бой тил яна борми?!

67б. Ошуфта кўнгилнинг ҳар изтиробидан бир шеър дунёга келган бўлса керак. Масалан, Навоийнинг машҳур

Оразинг ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш

байти билан бошланадиган ғазалдан ана шундай изтироб анқийди.

68. Илоҳим, кўнгилнинг ошуфталиги ҳам Сендан ва ишқу изтироб омухталиги ҳам Сендан.

69б. Бу жумлани «туз» сўзининг 50-банд шарҳидаги маъноларини бирма-бир қўйиб, талқин қилиб кўринг.

70. *«Мижанинг ниши»* ва яна *«нишнинг нўки»* — тил бойлигининг ёрқин намунаси.

71. Адабиётда мажоз: ишқ — илоҳий ишқ, парвона ва шам эса — дунёвий ишқ тимсоли.

72. Гул ҳуснининг дилни яшнатиш хусусияти ва гулҳуснли гўзалнинг руҳни яйратиш қобилияти — илоҳий мўъжиза, уни яратган Оллоҳга табиатнинг ташаккури тимсоли.

73б. Шоир ўз ҳолатини гулга ошиқ булбул билан қиёсламоқда. Таъкидлаш зарурки, бу бир ўхшатиш. Аслида эса булбул хонишида Навоий навосининг атиги бир-икки (айтайлик, ёқимлилиги, ошиқона куйлаш) элементи, атиги бир-икки нотаси мавжуд. Навоий ижоди эса инсон нутқининг энг гўзал намунаси, руҳиятининг энг юксак парвози маҳсулидир, қисқаси, илоҳий илҳом натижасидир.

74б. «ИШҚ» ва «МАЙ» ҳақида. Совет мафкураси талаби билан Навоийнинг илоҳиёт ва тасаввуф мавзусидаги китоблари кенг оммадан яшириб келинди, илоҳий ишқ ва ваҳдат майи руҳи билан суғорилган шеър ва достонларини сунъий талқин қилишга зўр берилди. Шоирни фақат дунёвий ишқни куйлаган «прогрессив шоир», дин мутаассиблари билан курашган «даҳрий мутафаккир» рамкасига туширишга урилди. Республикамиз Мустақиллиги шарофати билан биз Навоий ижодини асил ҳолича ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Натижада буюк

75а. УЛ НЕ МАЙ ИЧМАК ВА АЁҒ
ТУТМАК ЭРДИ
75б. КИМ АЁҒ-АЁҒ
ҚОН ЮТМАК ЭРДИ
76а. ИЛОҲИ!
АГАР ҲАЖР ШИДДАТИДИН
ТУҒАНЛАР ЎРТАДИМ
76б. ДИНУ ИСЛОМ МАЗРАЪИДА
ХИРМАНЛАР ЎРТАДИМ
77а. ИЛОҲИ!
ҲАР ТУҒАН САВОДИДИН
ОФИЯТИМ РУХСОРИН
ҚАРО ҚИЛДИМ
77б. ВА АНИНГ ДУДИДИН
ИМОНИМ РЎЗГОРИН ҚАРО
ҚИЛДИМ
78а. ИЛОҲИ!
АГАР ҲАВАСДИН
БОШ-АЁҒ ЯЛАНГ
ҲАР ЁН ЮГУРДУМ
78б. БОШДИН-АЁҒИМ ЁМОН
ЭРКОНИН ХАЛОЙИҚҚА
БИЛДУРДУМ
79а. ИЛОҲИ!
АГАР ШАВҚИ ЖУНУНДИН
КЎКСИМГА ТОШ УРДУМ
79б. УЛ ТОШ БИЛА
НАНГУ НОМУСУМ ШИШАСИН
СИНДУРДУМ
80а. ИЛОҲИ!
ГОҲИ БУ ЖУНУНДИН АТФОЛ
ТОШИН
БОШИМГА ЁҒДУРДУМ
80б. ГОҲИ АҲБОБ МАЛОМАТ НИ-
ШИН
КЎНГЛУМГА ЕТКУРДУМ
81а. ИЛОҲИ!
ҚАЙСИ ИСЁН ТИЙРАЛИҒИ
БИЛАКИМ
ОФИЯТИМ ЮЗИ ҚАРОРМАДИ
81б. ҚАЙСИ БЕДОД СУУБАТИКИМ
МЕН ҚАРО ЮЗЛУККА БОРМАДИ
82а. ИЛОҲИ!
ЙИГИТЛИГИМ БУ НАВЪ
ҲАМ ҚАТИҒ ЎТТИ
ҲАМ АЧИҒ
82б. ҚАРИЛИҒДА ЮЗ ҚАТЛА
ЎЗУМНИ ЎЛТУРСАМ
НЕ АСИҒ?
83а. ИЛОҲИ!
ЭМДИ ҲАМКИМ БАРЧАДИН
КЕЧМАК ХАЁЛИН ҚИЛУРМЕН
83б. ЎЗЛУГУМ БИЛА КЕЧА ОЛМОН
ЯҚИН БИЛУРМЕН

75. **аёғ** — қадаҳ, коса, бокал

76. **туған** — тамға, чандиқ; кўнгил яраси

ўртамак — куйдирмоқ, куюнтирмоқ, ташна қилмоқ

мазраъ — экинзор, соҳа, плантация

77. **савод** — қора (ранг); ёзув, нишон

офият — соғлик, осойишталик

рўзгор — уй, макон, турмуш

78. **халойиқ** — яратилган нарсалар; одамлар, эл; гуруҳ, ижтимоий муҳит

79. **шавқи жунун** — жинниларга хос шавқ; шавқдан жинниларча

нанг — ор, номус, субут

80. **атфол** — болалар, вояга етмаганлар, маъсумлар; бегуноҳлар; башар

аҳбоб — ҳабиблар, дўстлар, яқинлар

81. **қарормади** — қораймади, қаро бўлмади

бедод — жабр, зулм; путур етказиш, йўқ қилиш

82. **қатиғ** — қаттиқ, қийин

ачиғ— аччиқ, тахир

қатла — марта, қайта-қайта

не асиғ? — нима фойда?

83. **эмди** — энди

олмон — олмасман, олмайман

яқин — беш бармоқдай аён, муқаррар

Шоир айни пайтда диний адабиёт соҳасида ҳам классик шоир, нақшбандиянинг йирик намояндаларидан бири бўлганлиги ойдинлашди.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, Навоий ҳаёти ва ижодининг бу қирраси, (шубҳасиз, етакчи қирраси) балки қўмсаш сабаблидир, унинг дунёвий ишқ ҳамда майдан баҳс этувчи (риндона) шеъриятини четга суриб қўя бошлади. *«Муножот»*нинг яна бир аҳамияти шундаки, у Навоий учун адабиёт «дунёвий» ва «илоҳий» қисмларга бўлинмаганини, бу икки мавзу бир-бирига зид ҳам бўлмаганини кўрсатади. Хусусан, унинг «май» сархуш қилувчи ичимлик, ё дунёвий ишқ чоғири, ё илоҳий ишқ шаробини билдирувчи шеърлари кўп. Ёки бир ғазалда «май» сўзи икки, ҳатто уч маънода қўлланган бўлиши ҳам истисно эмас.

74—77. *«Муножот»* ўта интим руҳда ёзилган асар бўлиши билан бирга шу даражада сирли эканини таъкидлаган эдик. *«Май ичмак», «қон ютмак», «ҳажр шиддати», «туғанлар ўртамак», «хирмонлар ўртамак», «имон рўзгорини қаро қилмоқ»* — бу сўзлар тагида қандай кечинмалар, хотиралар ётгани бугун энди ёлғиз Оллоҳга маълум. *«Муножот»*ни ўқир эканмиз, ўзимизни чарақлаган осмонга боқиб завқга тўлган, аммо энг кучли телескоплар билан ҳам сир-асрорига ета олмаётган мунажжим ҳолатида ҳис этамиз.

78—81. Бу бандлар ҳам киши фикрини занжирбанд этади. Катта-кичик замондошлари хотираларидан яхши маълумки, Алишер Навоий болалигидан гўзал хулқ ва одоб соҳиби, ёшу улуғ, ШОҲУ ГАДОга баравар олижаноб муносабатда бўлган. Шунга қарамай, *«Муножот»*дан оғриқ қалб нидоси эшитилади.

Навоий ижодининг чашмасидан, аниқроғи шаршарасидан баҳраманд бўлар эканмиз, бу чашма, шаршара отилиб чиқаётган тоғ бағрида нелар ётганлигига тасаввур ожиз.

82. *«Муножот»*ни битар экан, Навоий ўз умр дафтарини варақлагандай:

«...Йигитлигим бу навъ ҳам қаттиқ ўтди, ҳам аччиқ»...

«Хазоинул-маоний»га ёзилган «Дебоча»да Навоий ўзининг йигитлик даврини «Шабоб замониким, йигирмадин ўттуз бешгача деса бўлғайким, ҳам бу фусулнинг (яъни умрнинг) ёзидурким, ҳам йигитлик чашмсорининг ҳаётбахшлигининг оғозидур» деб белгилайди. Агар бу даврни 82а сатрда зикр қилинган йигитлик даври деб қабул қилсак, у Навоий ўз яқинларидан айрилган, шаҳарма-шаҳар сарсон ва мусофир юрган йилларидан бошланиб, Ҳусайн Бойқаро тахтга ўтиргач, Ҳиротга қайтган, мураккаб сиёсий ҳаётга шўнғиган йилларни ўз ичига олади ва ниҳоят вазирликдан истеъфо берган сана (1476) билан тугайди!

83. Ҳаётга муҳаббат туйғуси билан ҳаётдан тўйганлик ҳиссининг қоришиқлиги — буюк мутафаккирлар руҳиятига хос диалектика.

84. Ижтимоий «балолар» ва сиёсий «ибтилолар» — Навоий ҳаётидаги долғали воқеалар саси.

84а. ИЛОҲИ!
АНДОҚКИМ БУ
БАЛОЛАРГА СОЛДИНГ
ҚУТҚОР
84б. ВА АНДОҚКИМ
БУ ИБТИЛОЛАРГА КИЮРДИНГ
ЧИҚОР
85а. ИЛОҲИ!
МЕН ТАВБА ҚИЛДИМ
ДЕГАНДИН
НЕ СУД
85б. СЕН ТАВБА БЕРГИЛКИ
ҲАМ ТАВВОБСЕНУ ҲАМ
МАЪБУД
86а. ИЛОҲИ!
НАМОЗЕКИ
ЭЛ БЎЛМАҒУНЧА ҚИЛМАГАЙМЕН
ХУДНАМОЛИҒДУР
86б. ВА УЛ НАМОЗ УЧУН
ХИРҚАЮ РИДО
ХУДОРОЙЛИҒДУР
87а. ИЛОҲИ!
УЛ НАМОЙИШУ ОРОЙИШДИН
КЎНГЛУМНИ МУБАРРО ҚИЛҒИЛ
87б. ВА БУ НАВЪ ШАЙТОН
ЛИБОСИДИН ПАЙКАРИМНИ
МУАРРО ҚИЛҒИЛ
88а. ИЛОҲИ!
ТОАТҚА ТАВФИҚ БЕРСАНГ
РИЁДИН АСРА
88б. ВА ИБОДАТҚА ЙЎЛ
КЎРГУЗСАНГ ХАТОДИН АСРА
89а. ИЛОҲИ!
УЛ ТОАТКИ УЖБ КЕЛТУРГАЙ
КЎНГЛУМГА ЁВУТМА
89б. ВА УЛ МАЪСИЯТКИ(М) УЗРҒА
ЕТКУРГАЙ
ТИЛИМДИН ЙИРОҚ ТУТМА
90а. ИЛОҲИ!
БЕИЛОЖ ДАРДГА АЛИЛ ҚИЛМА
90б. ВА БЕМУРУВВАТ НОМАРДГА
ЗАЛИЛ ҚИЛМА
91а. ИЛОҲИ!
БЕАСЛЛАР
МАЗАЛЛАТИДИН
АСРА
91б. ВА БЕДИЁНАТЛАР
ТУҲМАТИДИН АСРА
92а. ИЛОҲИ!
ЖОҲИЛ СУҲБАТИҒА
ПОБАНД ЭТМА
92б. ВА АРОЗИЛ ҲАШМАТИҒА
ҲОЖАТМАНД ЭТМА

84. **ибтило** — синов, имтиҳон; ғам, бахтсизлик; жазо; мубталолик
85. **суд** — фойда, баҳра; ҳисоб-китоб
таввоб — тавба қилдирувчи, тавба қабул қилувчи
маъбуд — сиғиниш объекти, илоҳ
86. **худнамолиқ** — ўзни яхши кўрсатиш, эффектация
хирқа — жанда, дарвешлар, шайхлар либоси (зоҳидлик тимсоли)
ридо — чопон, енги калта тўн, ёпинчиқ (тақво рамзи)
худоройлик — ясаниш, ясанишга ҳавасмандлик, модапарастлик
87. **намойиш** — кўрсатиш, кўриниш, демонстрация
оройиш — безак, зийнат; пардоз, безаниш
мубарро — холи, озод, муҳтож эмас
пайкар — жусса, қомат, бадан, пайкар
муарро — бўш, холи, пок
88. **тавфиқ** — ризолик, бўйинсуниш; тинчланиш; кўмак; омад, муваффақият
риё — сирти бошқа, дили бошқалик, иккиюзламалик
89. **ужб** — манманлик, худбинлик, эгоизм, кибор, шуҳратпарастлик
маъсият — осийлик, қулоқ солмаслик, исён, қайсарлик
90. **алил** — иллатли, камчилиги бор, дефектли; касал; сабаб
залил — хор; боғлиқ, эркини берган, таяниб йиқилган
91. **мазаллат** — хорлаш, таҳқирлаш, менсимаслик
92. **побанд** — боғланиб қолиш, мажбур бўлиш
арозил — разиллар, энг разил
ҳашмат — эътибор, ҳурмат, авторитет

85. Тавба! Юзлаб маҳкумнинг бошини дордан ва қиличдан сақлаб қолган, минглаб муҳтожга мадад берган, ўз умрини эзгуликка фидо этган Зот тавбаси!!!

86а. Эл кўзи учун намоз қилиш, рўза тутиш, ҳажга бориш, ўзни тақводор, ҳақиқатпарвар, элпарвар қилиб кўрсатиш — бу аччиқ киноя бевосита бугунга қаратилган эмасми?!

86б. Мумтоз адабиётдаги оддий сўз ҳам нақадар сермазмун бўлиши мумкинлигига яна бир мисол.

«ХИРҚА» сўзининг маънолари:

1) (луғавий) тўн йиртиғи, ямоқ, қуроқлар;
2) («харқ» — парчалаш сўзидан) дунёвий алоқалар ишини парчалаш;
3) («харқ» — кенг саҳро сўзидан) ишқнинг поёнсиз саҳросида сулук қилиш, мужоҳидот биёбонини риёзат қадами билан босиб ўтиш;
4) («хирқ» — улуғвор, сахий сўзидан) ўзни олижаноб тутиш, таманинг шумлигига алданмаслик;
5) («хирқа» — қулоқнинг сирға осиладиган тешиги сўзидан) ўзни қулдай тутиш, буюрилганни қалб қулоғи билан эшитиш;
6) («хирқа» — уйнинг дарчаси сўзидан) кўнгил уйидан дарча очиб, ундан дўстлар боғига қараш ва бу боғ гулшанидан эсган насим кўнгилга кириб, киши руҳини яйратиши!

(Ҳусайн Воиз Кошифий. «Футувватномаи Султоний». Тошкент, 1994, 40-бет.) Демак, хирқа фақат шакл — «шайтон либоси» бўлиши ҳам мумкин, ёки юксак мазмун — «ўзлик»дан кечиб ўтганлик нишонаси бўлиши ҳам мумкин.

90. Навоийнинг дўстлари Паҳлавон Муҳаммад, Шайхим Суҳайлий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Соҳибдоро, Мирзо Ҳусайн Бойқаро каби мард ва содиқ, маърифат ва футувват соҳиблари бўлганлар. Шунга қарамай, Шоир бемурувват номарддан панд еийшни давосиз дард билан ёнма-ён қўймоқда экан, бу ёлғиз вазн билан қофия тақозоси бўлмай, ҳаёт реаллиги садоси бўлса керак.

91. *«Муножот»*нинг кўп банди (31—35, 39, 40, 42—45 ва ҳ.к.) биринчи шахсда. Улардан фарқли 90—93 каби бандлар дуодай ўқилади: *«Илоҳи, ҳар бир мўъминни бедиёнат туҳматидан асра!»*

92. Шоир наът-ғазалларидан бирини

«Эрур кўйунгда Навоий асру ҳам мажнун,
Ул Ойни(нг) суҳбатини топқай эрсам эрди кош(ки)»

деган армон билан тугатади. (Ой — бадр-тўлин ой — Муҳаммад алайҳиссаллом тимсоли.)

Тасаввур қилайлик, ҳазрат Навоий Муҳаммад алайҳиссалом билан дийдорлашиб, суҳбат қилмоқдалар. Таърифга сиғмас манзара!

Жамиятда шундай шахслар борки, улар суҳбатидан баҳраманд бўлиш, шунчаки сўзларини тинглаш (ҳатто ойнаи жаҳон орқали) ёки китобини (масалан, *«Муножот»*ни) ўқиш — бебаҳо саодат. Жоҳиллар суҳбати эса...

93а. ИЛОҲИ!
НОСИПОСЛАР МАЛОМАТИДИН
ЙИРОҚ ТУТ
93б. ВА ҲАҚ (НО)ШУНОСЛАР
ХУСУСИЯТИДИН
ҚИРОҚ ТУТ
94а. ИЛОҲИ!
КЎНГЛУМНИ
ДАРДУ ШАВҚНИНГ МУҲАББАТИ
БИЛА
ОВУТ
94б. ВА КЎЗУМНИ
НАДОМАТ
АШКИ СЕЛОБИ БИЛА
РАВШАН ТУТ
95а. ИЛОҲИ!
ТИЛИМНИ
НЕЪМАТИ БЕҚИЁ
СИНГҒА
ШОКИР АЙЛА
95б. ВА КЎНГЛУМНИ
ҲАМДУ СИПОСИНГҒА
ЗОКИР АЙЛА
96а. ИЛОҲИ!
ҚАЛАМИМҒА ҲАМДИНГ
РАҚАМИҒА МАШҒУЛЛУҚ БЕР
96б. ВА РАҚАМИМҒА
ХАЛОЙИҚ КЎНГЛИҒА
МАҚБУЛЛУҚ БЕР
97а. ИЛОҲИ!
ЗАМИРИМГА
ХУДПИСАНДЛИҒНИ ЁВУТМА
97б. ВА ХОТИРИМНИ
ЭЛ НАФЪИ
АЙБЖЎЛИҒИҒА ТУТМА
98а. ИЛОҲИ!
ХАЁЛИМНИ
НИЁЗУ ДАРД АҲЛИҒА
МОЙИЛ ТУТ
98б. ВА НИЁЗИМ КЎЗУН
ДАРДМАНДЛАР АЁҒИ ТУФРОҒИ
ИЛА
ЁРУТ
99а. ИЛОҲИ!
ПОДШОҲИ ИСЛОМНИ
МУСЛИМИН БОШИГА
ТУТҚИЛ БАРДАВОМ
99б. ЯЪНИ БАНДАЛАРИНГ
УСТИГА
КЎЛАНКАНГНИ
ҚИЛ МУСТАДОМ
99в. ТО ШОҲУ ГАДОГА
ДУОГЎЙЛИК ҚИЛМИШ
БЎЛҒАЙМЕН
ВАССАЛОМ!

93. **носипос** — яхшиликни билмайдиган, нонкўр
хусусият — муносабат, алоқа; яқинлик, сифат, хосса
қироқ — қирғоқ; четроқ, нарироқ
ҳақшунос — ўзини ҳақ деб билувчи; ҳақни ноҳақдан ажрата олувчи; яхшиликни қадрловчи
(ҳақношунос — ҳақшуноснинг акси)

94. **надомат** — пушаймонлик, афсус
ашк — кўзёш
селоб — серсув, сел сувидай

95. **неъмати беқиёс** — таърифга сиғмас неъматлар, ўхшаши йўқ инъомлар
сипос — мақтов, таърифлаш; мамнуният, ташаккур билдириш

96. **рақам** — ёзиш, санаш; ёзилган нарса, матн

97. **замир** — дил, яширин ўйлар, ички дунё
худписандлик — манманлик, эгоизм
нафъ — фойда, манфаат
айбжўлик — айб ахтариш, худбинлик

98. **ниёз** — умид, ўтиниш, эҳтиёж

99. **муслимин** — муслимлар — мусулмонлар, ислом аҳли
бардавом — давом этувчи, давомли, тўхтамас
мустадом — доимий
«Вассалом» — «Иш ниҳоясига етди», «Худога шукр!», *Алҳамдулиллоҳ!*

93б. 1) «Илоҳи, ҳақшунослар, ўзларини ҳақ деб билувчилар, биров яхшилик қилса, ўзи шундай бўлиши керак, дея қадрлашни билмайдиганлардан йироқ тут».

2) Навоий каломининг яна бир хоссаси — даврлар ўтиб янги мазмун билан бойиши. Хусусан, бугун 93б жумла ўта кинояли мазмун касб этади, дейиш мумкин: *Илоҳи, адолатпешалик даъво қилувчилар билан муомала қилишдан узоқроқ тут.*

3) 93а ва 93б сатрларни *«Маҳбубул-қулуб»* нинг 101-банди билан қиёслаб шундай хулоса чиқариш мумкин: 93б сатр аслида *«Ва ҳақношунослар хусусиятидан қироқ тут»* шаклида бўлган-у, хаттот тасодифан — *но* — аффиксини тушириб кетган.

94а. Шавқ муҳаббати билангина эмас, ДАРД МУҲАББАТИ билан ҳам!

95. *«Муножот»* ниҳоясига яқинлашмоқда. Асар Шоир томонидан бир қалам тутишда битилган, ҳеч бир таҳрир ва тузатишсиз қоғозга тушган, десак, ҳақиқатга хилоф бўлмас. 66, 71, 81 каби бандларда тўкилган қалб дардларини Шоир 94а бандда аслида муҳаббатдан иборат деган эди. Энди бу муҳаббатни «НЕЪМАТИ БЕҚИЁС» атамоқда.

96. *«Ижодим халойиққа мақбул бўлсин»* дея муножот! Бугун Навоий даҳоси олдида *«Илоҳи, халойиққа Навоий рақамига муносиб кўнгил ато эт!»* деб хитоб эттинг келади. Эскича ва замонавий бидъатларга асир кишиларга қараб эса, *«Илоҳи, Навоий рақами кўнглига мақбул бўладиган халойиқ ато эт!»* дея муножот қилишни истайсан.

97—98. Бу сатрларни кўзда ёшсиз, кўнгилда ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас.

98б. Бундай фикр, истак бутун инсоният тарихида ҳам, келажагида ҳам биргина Навоий қалбида туғилиб, қоғозга тушиши мумкин бўлса ажаб эмас. Шубҳасиз, буюк зот қаламига мансуб буюк эҳтирос, инсонпарварликнинг энг юксак ифодаси.

99а. 1) Бу банддаги *«Подшоҳи Ислом»* изофасини Ҳусайн Бойқарога нисбат бериш мумкин. Ҳақиқатан, Навоий ҳукмрон дўстини шундай унвон билан атаган ҳоллар унинг бошқа асарларида ҳам учрайди.

2) *«Подшоҳи Ислом»* иборасини Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши билан боғлаш, бу бандни эса Шоир дуосининг ижобат бўлгани, дея талқин қилиш ҳам жоиз.

Хуллас, бу банд Навоий гуманизмининг яна бир ёрқин ифодаси, «Халқим» дея қайғуриш нидоси бўлса керак:

«Илоҳи! Доим мусулмонлар бошида имону инсофли, адолатли, яъни Сенинг кўланканг бўлишга муносиб ҳукмдор(лар) турсин!»

99в. Навоий ўз муножотини *«Шоҳу гадога дуогўйлик қилмиш бўлғаймен»* деб якунлар экан, бизга ҳам инсоф ва имон тилаб дуо қилганлар дея англамоғимиз лозим. Буюк мутафаккир ўз ҳаёти, ва ижодини тўла эзгу ва хайрли ишларга бағишлаган, Оллоҳ назари тушган зотки, биз Навоий шафоатига ҳам муҳтожмиз.

Умрининг сўнгги нафасигача халқини ўйлаган улуғ Инсон — Низомиддин Алишер Навоийга Оллоҳ раҳмати бўлсин.

Вассалом!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир.* Баҳоуддин Балогардон. (М. Ҳасанов таржимаси.) Т.: «Ёзувчи», 1993.

2. *Алишер Навоий.* Муножот. (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи: С. Ғаниева.) Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.

3. *Алишер Навоий.* Муножот. (Нашрга тайёрловчи: *С. Ғаниева.*) Т.: «Шарқ», 1991.

4. *Алишер Навоий* асарларининг изоҳли луғати. (*4 жилдлик.*) Т.: «Фан», 1983—84.

4а. *Алишер Навоий.* Мукаммал асарлар тўплами. 16-жилд. Т.: «Фан», 2000.

5. *Баранов Х. К.* Арабско-русский словарь. М.: «Русский язык», 1985.

6. *Боровков А. К. «Бада'и ал-лугат».* Словарь Тали Имани Гератского к сочинениям Алишера Навои. М.: Изд-во Восточной литературы, 1961.

7. *Боровков А. К.* Лексика Среднеазиатского тефсира XII—XIII вв. М.: Изд-во Восточной литературы, 1963.

8. Древнетюркский словарь. Л.: «Наука», 1969.

9. *Маҳмуд Кошғарий.* Девону луғатит-турк. (3 жилдлик.) Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1980—81.

10. Навоий асарлари луғати (Алишер Навоий асарларига илова). Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

11. Навоий асарлари учун қисқача луғат. (Тузувчи: *Б. Ҳасанов.*) Т.: «Фан», 1993.

12. *Радлов В. В.* Опыть словаря тюркскихъ наречий. (В 4 томах.) Санкт-Петебургъ, 1893—94.

13. Персидско-русский словарь. (Составитель: *Б. В. Миллер.*) М.: Гос. изд-во иностранных и национальных словарей, 1953.

14. Турецко-русский словарь. М.: «Русский язык», 1977.

15. *Юсуф Хос Ҳожиб.* Қутадғу билиг. Урумчи: Шинжон-Уйғур автоном райони Ижтимоий фанлар академияси, 1984.

16. *Ҳамид Сулаймон.* Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида. (Алишер Навоий асарларининг 15 жилдлик нашрига муқаддима.) Т.: ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1963.

17. *Sadik Dana.* Islam kahramanlari. (1-жилд.) Istanbul, Erkam yayinlari, 1990.

адабий-бадиий нашр

АБДУЛЛА АЪЗАМОВ

МУНОЖОТНОМА

(Алишер Навоийнинг «Муножот» асарига шарҳлар)

Тошкент «Маънавият» 2001

Муҳаррир *Б. Муродалиев*
Рассом *Х. Зиёхонов*
Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Илҳомбекова*

Теришга берилди 17.07.01. Босишга рухсат этилди 22.08.01. Бичими 84×108 $^{1}/_{32}$. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 2,10. Шартли кр-отт. 2,31. Нашр т. 2,61. 3000 нусха. Буюртма №105. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 45-01.

Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1. 2001.